Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши

№ 284 (13.240).

1965 ДЕКАБРЬ 5 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

САОДАТ КЎЗГУСИ

БУГУН бахт байрами, Бугун Совет Иттифоқи халқлари ҳаётбахш социализмнинг тўла ғалабасини жаҳонга баралла янгратган СССР Конституцияси кунини тантана қиладилар. Лабларда табассум, қалбларда қувонч баравж. Мамлакатимиз халқлари бу улуғ кунни меҳнатда улкан зафарлар билан нишонламоқдалар.

Буни биз республикамиз саноатчиларининг етти йиллик планни ошиғи билан бажариш учун олиб бораётган мусобақаларида, пахта етиштириш юзасидан 1965 йилга белгиланган топшириқнинг оширилган адо этилганлигида, хўжалик ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришилганлигида яққол кўрамиз. Ҳар меҳнат туфайли Ўзбекистон меҳнаткашларининг коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун совет халқлари олиб бораётган курашга қўшаётган салмоқли ҳиссасини кўриб фахрланамиз. Етти йил ичида республикада саноат ишлаб чиқариши ҳажми тахминан 1,8 баравар ортади. Шу шонли йиллар давомида оғир саноат ва биринчи навбатда бу саноатнинг пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган тармоқлари айниқса ривожланади.

Бу зафар, бу қудрат, бу қувонч заминни Совет Конституциясига олтин ҳарфлар билан ёзилган меҳнат қилиш, дам олиш, илм олиш, давлатни бошқариш каби инсоний ҳуқуқларнинг амалда равнақ топаётганлигининг натижасидир.

Биргина илм соҳасини олсак, революция, Совет Конституцияси берган катта имтиёзлар ўзбек халқи тақдирида нақадар улуғ тарихий бурилиш бўлганлиги намоён бўлади. Агар Улуғ Октябргача ўлкамизда саводхонлар бармоқ билан санарли бўлса, ҳозир 130 мингдан кўпроқ студент таълим олаётган 34 та олий ўқув юрти бор. Уларда фан ва техниканинг икки юздан зиёд соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Утмишда хотин-қизларнинг қанчалик камситилгани, азобланганини ҳаммага маълум. Бу кун Узбекистон ССР Конституциясида шундай сўзларни ўқиймиз. «Хотин-қизларга хўжалик ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилади».

Партия ва ҳукуматимиз бу ҳуқуқнинг тўла амалга ошишига катта аҳамият бермоқда. Шу мақсадда болалар ясли, богчалари, умумий овқатланиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғи йил сайин кенгайтирилмоқда. Кўп болали ва болали ёлғиз оналарга давлат катта ёрдам бермоқда, хомиладор хотинларга маош тўлаган ҳолда отпускага чиқармоқда. Давлатнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши билан ижод ҳам ташаббус кўрсатиш имкониятига эга бўлган ҳур хотин-қизларимиз ўзларининг олижаноб ишлари билан шуҳрат топмоқдалар.

Ҳозир ўзбек хотин-қизларидан 24 фан доктори, 700 га яқин фан кандидати бор. Хотин-қизлардан 139 киши Ўзбекистон ССР, 18 киши СССР Олий Советларининг депутатлари.

Республикамизда рус тили иккинчи она тилимиз бўлиб қолганлигини, барча миллат вакиллари бир оила фарзандидек дўстиноқ яшаётганини кўрган кўзлар қувонади. Завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда рус, ўзбек, украин, қозоқ, грузин ва бошқа миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб ягона мақсад — порлоқ истиқбол учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Она-Ватанимизда дунёда энг халқчил совет демократияси йилдан-йилга равнақ топмоқда. Меҳнаткашларга хизмат қилишни ўз фаолиятининг олий мақсади деб билган партия ва ҳукуматимиз барча соҳаларда бўлганидек давлатни бошқариш ишларида ҳам кенг омманинг янада кўпроқ ва активроқ иштирок этишига алоҳида эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь, март ва сентябрь Пленумларидан кейин маҳаллий Советлар фаолиятининг ленинча нормалари тикланди. Уларнинг давлат ҳокимиятининг органлари сифатидаги ҳуқуқлари, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги роли оширилди. Маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари ҳаётида жамоатчилик асослари кенг қулоч ёзди. Биз буни шу йил мартда маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайлов натижасида аниқ кўрамиз. Маҳаллий Советларга сайланган 75.149 депутатдан ишчилар 19.373 кишини, колхозчилар 30.021 кишини ташкил этади. Депутатлар билан бир қаторда юзлаб жамоатчилар Советлар ишида фаол қатнашмоқдалар. Биргина Тошкент шаҳар Октябрь район Совети фаолиятида 17 минг жамоатчи иш олиб бормоқда. Бу Совет давлати — халқ давлати эканлигини, совет давлатини халқнинг ўзи бошқаришини кўрсатади. Бундан буён ҳам Советлар фаолиятида жамоатчилик асосларини тағин ҳам ривожлантириш партия ва совет ташкилотлари олдида турган, КПСС Программасида илгари сурилган муҳим вазифалардандир.

Халқчил, адолатли демократия Совет тузумининг ажойиб фазилатларидан биридир.

Буржуазия мамлакатларида тилда демократия сўзи такрорланса ҳам, дилда йўқ бир нарсадир. Сайловларда халқ олдига турли чеклашлар қўйилади, давлат тепасида оддий ишчи ва деҳқонларнинг вакили бўлишига йўл берилмайди, қонунлар бой-амалдорларга хизмат қилади. Миллатлар оқ, қора танлиларга бўлиниб, негрларга ва бошқа миллат вакилларига на эркинлик, на меҳнат ва на бирон ҳуқуқ берилади.

Совет Конституциясининг халқаро аҳамияти шундаки, у бутун дунё меҳнаткашларига озод ҳаёт инсонга нималар туҳфа этишини намойиш қилди, социалистик революциянинг ғалабасини қонуний тасдиқлаб, империализмнинг мустамлака системасига зарба берди.

Совет қонунлари асосида Социалистик миллат бўлиб шаклланган, барча халқлар қатори ҳамма инсоний ҳуқуқлардан баҳраманд бўлган республикамиз меҳнаткашлари Коммунистик партия XXII съезди ва партия Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амалга оширишда коммунизмнинг нурли чўққилари сари олға бормоқдалар. Жонажон партиямизнинг XXIII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун умумхалқ мусобақасини қизитиб юборган ўзбек халқи — бахт эшесини боқий сочиб турган Совет Конституцияси кунида, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига ўз миннатдорчилигини яна бир бор изҳор этади.



РАСМИЙ ХАБАРЛАР

ЮЗ ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙ

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Совет пойтахти жамоатчилиги 3 декабрда Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. А. Тимирязев номли Москва Қишлоқ хўжалик академиясининг юз йиллик юбилейини нишонлади. Кремлдаги Съездлар саройида ана шу шонли санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Мажлис президиумида А. Н. Микоян, Д. С. Полянский, Ф. Д. Кулаков ўртоқлар, СССР министрлари, таниқли олимлар, партия ва совет ходимлари, хизмат кўрсатган агрономлар ва зоотехниклар бор эди. Бир қанча чет мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳозир бўлишди.

Мажлисни СССР қишлоқ хўжалик министри В. В. Мацкевич қисқача кириш нутқи сўзлаб очди.

Совет Иттифоқи гимни янграйди. Ҳамма ўрнидан туради. СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе К. А. Тимирязев номидаги Ленин орденли Москва Қишлоқ хўжалик академиясини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб беради. Академиянинг байроғи олиб кирилади.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян Қизил байроққа Меҳнат Қизил Байроқ орденини тақиб қўяди.

Ўртоқ А. И. Микоян академия коллективини унинг юз йиллиги ва Тимирязевканинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги туфайли КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиуми номидан қизғин қутлайди. А. И. Микоян нутқ сўзлади.

Академия ректори профессор И. С. Шатилов «К. А. Тимирязев номли Москва Қишлоқ хўжалик академиясининг юз йиллиги» тўғрисида доклад қилди. (ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

«ЛУНА-8» КОСМОСДА

1965 йил 3 декабрда Совет Иттифоқида «Луна-8» автоматик станцияси учирилди.

Станциянинг асосий вазифаси — Ойга охиста қўниш системасининг элементларини янада ишлатиб кўриш ва илмий-тадқиқотлар ўтказишдир.

Станциянинг оғирлиги 1.552 килограмм. Станцияга учиш программасига мувофиқ, шунингдек Ердан берилган командаларга мувофиқ, автоматик суратда ишга тушувчи илмий, телеметрик ва бошқа ўлчов аппаратлари ўрнатилган.

Ўлчовларни ишлаб чиқишнинг дастлабки натижалари станция мўлжалдагига яқин траектория бўйлаб ҳаракат қилаётганини кўрсатмоқда. Станция ичидаги ҳамма аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Ердаги махсус ўлчов комплекси парвозни кузатиб бормоқда.

Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ҳамма информацияларни ишлаб чиқмоқда.

1965 йил 3 декабрь Москва вақти билан соат 18 да «Луна-8» Ердан 45.670 километр узоқлашиб, шимолий кенглигининг 41 градус 19 минути ва шарқий узунлигининг 83 градус 21 минутидан иборат координаталарга эга бўлган ер сатҳининг нуқтаси устида бўлди.

ФАРҒОНА ДЕФОЛИАНТИ

ҚИРГУЛИ (телефон орқали). Сўлим Фарғонанинг бу гавжум посёлкасида нефтчилар ва азотчилар, бинокорлар ва монтажчилар қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Улар химиямизнинг янги равнақи учун ғайрат-шижоат билан ишлаётирлар. Посёлкадаги химия корхоналарида турли хил нефть маҳсулотлари, кокс, бензин, қишлоқ хўжалиги учун юқори сифатли минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш кун сайин кўпаймоқда.

Мана бугун химиклар посёлкасида яна бир янги хил маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Азот ўғитлари заводида тиклана бошлаган дефолиантлар ишлаб чиқариш комплекси 3 декабрдан бошлаб дастлабки маҳсулот бера бошлади. Бинокор ва монтажчилар илғор иш усуллари, прогрессив технологияга амал қилиб, ҳар бир дақиқани ғанимат билиб мардона вор меҳнат қилдилар Айниқса, 5-қурилиш бошқармасининг бинокорлари алоҳида ибрат кўрсатдилар. Улар кўплаб темирбетон колонналарни, 24 метрли улкан фермаларни, керамзитбетон панеллар ва бошқа йиғма конструкцияларни жадаллик билан ўрнатдилар.

Ҳозир заводда дастлабки тонна дефолиантлар ишлаб чиқарилмоқда. Янги комплекс Ўзбекистондагина эмас, бутун Ўрта Осиёда ягона. Дефолиант ишлаб чиқарувчи тўнғич комплекс қишлоқ хўжалигимизнинг яна ҳам ривожланишига муносиб ҳисса қўшади. Пахта теримидан олдинроқ ғўза баргини тўкитадиган химиявий препарат — дефолиант ишлаб чиқарувчи комплекс бир меъёрда ишлай бошлади. Биринчи даражали ускуна ва аппаратлар билан таъминланган комплекснинг барча жараёнлари механизациялашган ва автоматлаштирилган

Дефолиантлар комплексини ҳаракатга келтиришда дастлабки меҳнат вахтасини ўташ смена бошлиғи Е. Погодинага насиб бўлди. У электролиз цехи аппаратларига илк бор ток берди. Бу цех дефолиантлар комплексининг муҳим участкаси ҳисобланади. Пайвандловчи В. Ким, мастер А. Сидин, ускуначи Г. Табакмонов ўртоқлар конвейердан чиққан дастлабки дефолиантларни қўлма-қўл олиб завқландилар. Ахир, шу улкан комплекси тиклашда улар актив иштирок этганлар, бугун меҳнат завқини сурмоқдалар.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

НОВОЧЕРКАССК. Новочеркасск политехника институтининг олимлари ишлаб чиқариш ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб, бетон тайёрлашнинг янги методини таклиф этдилар. Бу метод темирбетон буюмлар ва бинокорлик деталлари заводида жорий қилинди.

Электролитнинг ва махсус тайёрланган сувнинг оз-оз дозаларини ишлатиш бетоннинг мустаҳкамлигини оширади. темир-бетон буюмларни бўглатиш муддатлари қисқаради. шу буюмлар орасига қўйиладиган пўлат арматуранинг занглаши камаяди.

● МОСКВА. Қаттиқ қотишмалардан ясалган кесув ва ўлчов асбоблари, штамплар ҳамда пресс—қолиплар ишлаб чиқаришни ривожлантириш проблемаларига бағишланиб. Москвада Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Кенгаш гўрт кун давом этади.

● КИШИНЕВ. Бу ерда Молдавия ССР Фанлар академиясининг умумий йиғилиши ўз ишини тамомлади.

Молдавия Фанлар академияси—Совет Иттифоқидаги энг ёш академиялардан бири бўлиб, унинг составида саккизта институт, ботаника боғи. ҳисоблаш маркази, бир қанча тажриба станциялари бор. Молдавия олимлари асосий куч-ғайратларини ватан ва чет эл фани ютуқларини халқ хўжалиги практикасига жорий этишга тааллуқли масалалар комплексини ҳал қилишга қаратмоқдалар.

Академик Я. Гросул иккинчи марта академиянинг президенти қилиб сайланди. (ТАСС).

1095 КИШИГА МУКОФОТ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги коллегияси пахта тайёрлаш ва давлатга топширишда юксак кўрсаткичларга эришган, ҳосилдорликни оширган ва республикамизнинг 3 миллион 888 минг тонналик улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшган пахтакорлардан 1095 кишига «Пахта устаси» значоги тақдим этди.

Мукофотланганлар орасида Сирдарё область, Жиззах районидаги Ленин номли колхозининг бригада бошлиғи Турсунбой Муқимов, Тошкент область, Бўка районидаги Тельман номли колхозининг звено бошлиғи Тўйчи Ҳожиев. Фарғона областидаги «Партия XX съезди» совхозининг механик-ҳайдовчиси Муҳаммаджон Акбаров ва бошқа ўртоқлар бор.

А. МИРКОМИЛОВ.

Сўз — машъалларимизга

ДЕҲҚОН ҲИСОБИ

Ҳамма нарсанинг ҳисоби бўлади. Асл деҳқон ҳаминша чўтлаб чамалашга одатланади. У уруғ тушган уянинг ва уядаги чигитнинг сонини билмаса, тиниб-тинчимайди. Ғўза туплари-ю, туплардаги кўсакларни санаймиз. Вақтнинг ҳам ўз ҳисоби бор. Масалан, пахтани олайлик: апрелда экдинг — сентябрда терасан. Экиш кечикса, йиғим-терим ҳам кейинга сурилаверади.

Мана, хирмон кўтарилди, ҳисоб-китоб пайти келяпти. Йилнинг якуни ҳозирдаёқ аён. Мен аввало икки йилнинг якунларини бир-бирига таққослай. Сўнгра тафовутнинг сабабларини таҳлил қилиб бермоқчиман.

Ўртача хўжалигимиз. 1448 гектар майдонга чигит экилади. Шунинг 100 гектардан ортиғи янгидан ўзлаштирилган ерлар. Бултур гектаридан 23 центнердан пахта етиштирдик. Бу йил ҳосилдорлик 30 центнерга етказилиб, давлатга 4350 тонна «оқ олтин» сотилади. Ўтган йили ҳар центнер пахтанинг таннархи 23 сўмни, бу йил эса 20 сўмни ташкил этди. Бултурги даромад 1 миллион 82 минг сўм эди. Бу йил пахтадан 2 миллион 245 минг сўм даромад олинаяпти. Ўтган йили ҳар иш кунига бир сўм 96 тийиндан пул тақсимланди, бу йил иш кунига нақд 4 сўмдан ҳақ тўланади.

Пахта ҳосили икки баравар ошмаган-ку, даромад қандай қилиб икки баравардан ҳам знёд кўпайди?, деб сўрашингиз мумкин. Сабабини айтиб берақолай.

Партия ва ҳукуматимиз пахтакорлар тўғрисида меҳрибонлик қилиб, шу йил август ойида қарор чиқарганлигини биласиз. Бу қарор бизга ҳам катта мадад берди. Планни биринчи сорт ҳисобига бажариб, яъни пахтани юқори сортларга сотиш эвазига 416 минг сўм фойда кўрдик. Ишлаб чиқариш харажатларини тежаш, пахтани машинада териш колхозга 300 минг сўмга яхши наф келтирди. Заҳарли химикатларни иқтисод қилишнинг ўзидангина 30 минг сўмни тежадик. Ҳар центнер пахтанинг таннархи уч сўмга арзонлашиши ҳам иқтисодий тежашнинг, механизациядан унумли фойдаланишнинг самарасидир.

Энди ҳосилдорликни қандай қилиб оширганлигимиз тўғрисида тўхталмоқчиман. Маълумки, Хоразмнинг тупроқ шароити ўзига хос хусусиятларга эга. Бизда ерларнинг мелиоратив ҳолати тупроқнинг шўрини экиш олдидан яхшилаб ювишни талаб этади. Ернинг шўрини неча марта ювиш тупроқнинг шўрланиш даражасига боғлиқ. Одатда тупроқнинг шўри 7-8 кун оралатиб 3-4 марта, зарур ҳолларда бундан ҳам кўп ювилади. Колхозимизда 400 гектардан ортиқ майдон кучли шўрланган. Шўр ер бетига тепиб чиқиб, гиёҳ унмаган ерлар ҳам бор эди. Каттақўл магистрал коллектори қурилганлиги бизга кўл келди. Шу йил ичида 12 километрга чўзилган коллектор-зовурлар қазиб, магистрал коллекторга уладик. Натижада ер ости сувлари сатҳи пасайди. 15 километрлик зовурлар чуқурлаштирилди. Зах сувлар намайиб, тупроқ структураси яхшиланди.

Баҳорда шўр яхшилаб ювилгач, ер тобга келиши биланоқ 35 сантиметр чуқурликда ҳайдалди. Бу чигитнинг бехато униб чиқишига, ёзда эса бегона ўт ўсмаслигига ердам берди. Ғўза парваришида механизацияга кенг йўл очиб берилди, агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинди, сув вақтсоатида берилди. Бу йил ўсимликни озиқлантиришдаги бир нарсани яхши англаб олдик. Ўғит нормасини 1 августгача бериб тамомлаган яхши. Августда солинган ўғитдан бизнинг шароитимизда ўсимликка манфаат кам. Минерал ўғитларни нормадан знёд бераверириш ҳам шарт эмас. Яхшиси, маҳаллий гўнгни кўпроқ жамғариб, минерал ўғитларга аралаштириб солинса маъқул. Бунинг учун ҳозирдан гўнг тўплашга киришиш керак.

Нуқул ҳисоб-китобдан, агротехникадан гапиряпти, бу раис, ҳамма ишни қиладиган одамлар-ку, кадрлар масаласи қандай, деб айтишингиз мумкин. Биз трактор-лар ва машиналарни фақат малакали, яъни ўқиган механизаторларга бириктирганмиз, уларнинг сони 100 дан ортиқ. Бригада бошлиқларининг кўпчилиги ўрта маълумотли, агротехника билимига эга. Бултур икки бригадир ишни оқсатди, колхозчиларнинг умумий йиғилишида «эплай олмаяпман»ни айтди. Уларнинг ўрнига малакали ва тажрибали механизаторлардан Мадамин Жумонов ва Йўлдош Урозалиев ўртоқлар бригада бошлиқлари қилиб тайинланди. Натижа ёмон эмас: ҳар иккала бригадада ҳам бу йил гектаридан 33 центнердан хирмон кўтарилди. Ишнинг кўзини билиш, ташкилотчилик самараси бу.

Юқорида айтганимдек, ҳисоб-китобсиз иш бўлмайди. Декабрда қилинадиган ишни январга, январнинг ишини февралга кўчириш асло мумкин эмас. Ҳозир бутун кучни, техникани қолган ҳосилнинг охирги граммигача йиғиб олишга, далаларни ғузапоядан тозалаш ва шудгорлашга, маҳаллий гўнг тўплашга қаратмоқдамиз. Ариқ-зовурлар тозаланмоқда.

Хўжалик йилининг якунлари ҳақида гап борганида, ҳамма планлар бажарилганлигини айтиб ўтиш керак. Пилла, чорвачилик маҳсулотларининг барча турлари, шоли тайёрлаш планлари муддатидан илгари уддаланди.

Бу йил даромад кўпайганлиги маданий қурилишларни кучайтириш имконини беради. Ҳозир 400 кишилик клуб, радиоузел қурилаяпти, посёлкада янги уй-жойлар қад кўтармоқда. Тахминан ГРЭСидан электр қуввати олиш ҳақидаги маҳсадимиз рўёбга чиқадиган бўлди. Экономика юксалгани сари турмуш ҳам фаровонлаша боради.

Пахта байрамига бағишланган йиғилишда колхозчиларимиз: 40-45 центнерчи хўжаликлар билан мусобақалашайлик, дейишди. Коллектив хўжалик аъзоларининг айтгани-айтган бўлиши керак. Ҳа, мусобақалашишга тайёрмиз.

Ким СЕРГЕЙ,
Ғурлан районидаги «Коммуна» колхозининг раиси.

СОВЕТ — АНГЛИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

Буюк Британия ташқи ишлар министри Майкл Стюарт жаноблари 1965 йил 29 ноябрдан 3 декабргача расмий визит билан Совет Иттифоқида бўлди.

Стюарт жаноблари ўз сафари вақтида А. Н Косигин ва А. И. Микоян томонидан қабул қилинди. СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Совет—Англия Қўшма ахборотида бундай дейилади: ошкоралик ва ишчанлик вазиятида ўтган музокаралар вақтида ҳар икки томон бир қанча муҳим халқаро проблемалар устида ҳамда Совет—Англия муносабатларига доир масалалар устида фикрлашиб олдилар. Қуролсизланиш проблемасига, шу жумладан ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида халқаро битим тузиш масаласига алоҳида эътибор берилди Шу соҳада олға босишга эришиш зарур, деб топилди. шунга кўра, томонлар тегишли битимларга келиш йўлларини қидиришни давом эттирадилар.

Қуролланиш пойгасини тўхтатишга катта аҳамият бериб, томонлар қуролсизланиш масалаларида бир битимга келиш учун ёрдам беришга қаратилган ҳаракатларни давом эттириш тўғрисида аҳдлашиб олдилар. Шу муносабат билан улар қуролсизланиш масалаларига бағишланган жаҳон конференциясининг муваффақиятли ўтказилиши катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди, деб таъкидладилар.

Министрлар Европада хавфсизликни таъминлаш масалалари ва Германия проблемасини тинч бартараф этиш хусусида ўз қарашларини баён қилдилар. Улар Европа хавфсизлигининг етилган масалаларини ҳал қилиш учун куч-ғайратлар сарфлашни давом эттириш, Шарқ ва Ғарбнинг Европадаги мамлакатлари ўртасида муносабатларни янада нормаллаштиришга ҳаракат қилиш ҳақида келишиб олдилар

Шарқи-Жанубий Осиёдаги аҳвол тўғрисида фикрлашув вақтида, дейилади ахборотда, томонлар Вьетнамдаги воқеалар тинчлик учун хавф-хатар солаётганини таъкидладилар. Улар БМТ уставига қатъиян мувофиқ равишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мустаҳкамлашга катта аҳамият бераётганликларини уқтирдилар.

СССР билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди ҳамда иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланишига кўмак бериш учун томонларнинг тайёр турганлиги қайд қилинди.

Ҳар икки томон, дейилади ахборотнинг охирида ўз музокаралари фойдали бўлди, деган фикрга қўшилдилар ҳамда вақти-вақти билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиб туришни ва кўпроқ ҳамжиҳатликка эришишга хизмат қилувчи маслаҳатларни давом эттиришни матлуб, деб топдилар. (ТАСС).

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

ДЕМОКРАТИЯМИЗ ТАНТАНАСИ

СССР Конституцияси куни мамлакатимизда социалистик демократиянинг умумхалқ байрами сифатида нишонланади.

СССРнинг амалдаги Конституцияси 1936 йил 5 декабрда Советларнинг Бутуниттифоқ фавқулодда VIII съездида қабул қилинди. Совет Конституцияси социалистик демократия тўғрисидаги буюк ленинча ғояларни мужассамлаштирган қомусдир. У мамлакатимизда социализм қурилиши, СССРдаги барча халқ ва элатлар батамом озод этилганлиги, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинищи узил-кесил тугатилганлиги фактларини қайд этиб, мустаҳкамлаб қўйди. Бахт китоби социалистик жамиятни янада ривожлантириш учун, коммунизмнинг тантанаси учун курашда меҳнаткашларнинг буюк байроғи бўлиб қолди.

Совет социалистик демократияси муттасил ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда, шу тариқа жамиятимизнинг куч-қудратини оширмоқда ва халқнинг колдектив ақл-идрокини жамиятимизга хизмат қилдирмоқда. Совет халқи коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтира бориб, экономика ва маданиятни муваффақиятли ривожлантирмоқда. Партиямиз ва жонажон ҳукуматимиз халқ хўжалигида эришилган муваффақиятларга таяниб, совет кишиларининг моддий фаровонлигини ошириш учун барча зарур чораларни кўрмоқдалар. «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган шиор партиямиз фаолиятининг қонунидир.

Коммунистик партиянинг доно ленинча милдий сиёсати туфайли ягона дўст ва қардошлик оиласига жипслашган СССРнинг барча халқлари Ленинннинг енгилмас байроғи, совет демократияси байроғи остида ўзининг эзгу мақсади сари комил ишонч билан бормоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР Конституцияси кунини тантанали вазиятда байрам қилар экан лар, ўзлари босиб ўтган йўлга чуқур ифтихор билан назар ташлайдилар ва ҳаётларида юз берган ўзгаришлар нечоғлик катта, қувончли ва салмоқли эканлигини яна бир марта ҳис этадилар.

Ўзбекистон эндиликда индустрлашган, колхозлашган, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданияти гоят ривожланган ҳамда гуллаб-яшнаётган республикага айланди.

Республика саноатининг меҳнаткашлари меҳнатда жуда катта ғалабани қўлга киритдилар.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар ҳам қувончлидир. Ўзбекистон — «оқ олтин» ўлкаси, мамлакатнинг асосий пахта макони демакдир. Бу йил қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Ватан омборларига 3 миллион 900 минг тоннага яқин «оқ олтин» уйиб қўйдилар. Ҳамма областлар ва Қорақалпогистон АССР планларини анча ошириб бажарди.

Эришилган улкан муваффақиятларимизда, шунингдек, коммунистик жамият қуриш вазифаларини ҳал қилишда социалистик давлатнинг роли жуда катта. «Социалистик давлат, — дейилади КПСС Программасида, — ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Давлатнинг социалистик жамият меҳнаткашларининг умумхалқ ташкилотига ўсиб ўтиш процесси бошланди».

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари халқнинг мукаммал ташкилотидир. Чинакам халқ ҳокимияти органлари — Советларнинг бутун мунтазам системаси яширин овоз бериш йўли билан амалга ошириладиган ялпи ва бевосита тенг ҳуқуқли сайлов асосида шаклланади. Советлар — давлатимизнинг сиёсий негизи. Уларнинг роли муттасил ўсиб бормоқда.

Совет тузуми барча меҳнаткашларни жамият ҳаётида актив қатнашиш, ўз фикрини эркин ифодалаш, сайлаб қўйиладиган органлар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини таъсирчан контроль қилиб туриш учун жуда катта ҳуқуқлар билан таъминлайди. Партия ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида ижодкорлик муҳити ҳукм суриши, меҳнаткашларнинг умумий иш манфаатлари билан боғорилган таклиф ва мулоҳазаларн қўллаб-қувватланиши, амалга оширилиши учун, давлат ва иктимоий аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай масалани ҳал этишда ленинча принципиаллик, коллективчилик, ўртоқларча танқид ва ўз-ўзини танқидга риоя қилиниши учун гоят зўр ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Совет давлатининг фазилатини белгиловчи нарса — ишчи демократизмидир. «Партия социалистик демократия принципларини такомиллаштира боришни ва уларга қатъий риоя қилишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди», дейилади КПСС Программасида.

Жамиятимизнинг демократик тузуми давлат ишларини ҳал этишга миллион-миллион кишиларни жалб қилиш имконини берди. Чунончи, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва республика маҳаллий Советлари депутатлари орасида моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган, фан ва маданият соҳасида ишлаётган энг турли хил касб эгалари бор. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 458 киши, республика маҳаллий Советларининг депутатлари эса 75147 киши саналади.

Советлар мамлакатимизда давлатни бошқариш мактаби бўлиб, унда янгидан-янги кишилар таълим олмоқда. Советлар вужудга келган дастлабки кунларданоқ халқ ҳокимиятини ифодаловчи нуфузли органлар бўлибгина қолмасдан, балки шу билан бирга, мамлакатнинг энг хилма-хил соҳаларида ишловчи, уларга бевосита раҳбарлик қилувчи, халқнинг эҳтиёжлари ҳақида чинакам жон куйдирувчи органлардир.

КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорлари муносабати билан Советларнинг иши айниқса кўп қиррали бўлиб қолди. Советларнинг халқ ҳаётидаги ролини ошириш, уларнинг ўз олдиларига қўйган масалаларни демократик, оператив тарзда ва тўғри ҳал эта билиши уларнинг ишига меҳнаткашларнинг тобора кенг активини жалб этишга ёрдам бермоқда.

Совет Конституцияси социалистик мулкни ҳимоя қилади, уни совет тузумининг муқаддас ва даҳлсиз негизи сифатида асраш ва мустаҳкамлашни СССРдаги ҳар бир гражданнинг зиммасига вазифа қилиб юклайди. Совет Конституцияси совет гражданларини иктимоий мулкни сақлаш, социалистик мулкка эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш учун халқ олдида масъулият ҳис қилиш руҳида тарбиялайди. У шу билан бирга, иктимоий меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилидирки, бусиз социалистик хўжаликнинг яшаши ва ривожланиши мумкин эмас.

Совет Конституцияси буржуа конституцияси амалга оширганидек, гражданларнинг ҳуқуқларини расмий жиҳатдан қайд этиш билангина чекланиб қолмасдан, балки ана шу ҳуқуқларни гарантиялаш, уларни амалга ошириш воситалари тўғрисидаги масалани ўзининг диққат марказига қўяди.

СССР Конституциясида гражданларнинг асосий ҳуқуқ ва вазифалари баён этилади ва у демократизмни энг ёркин ифодалайди. Бизнинг демократиямиз сиёсий эркинликлари — сўз, матбуот, митинг ва йиғилишлар эркинлигини, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини ҳам, социал ҳуқуқларни — меҳнат қилиш, дам олиш, бепул билим олиш, ва бепул медицина ёрдами олиш, қариганда ва касал бўлган ёки меҳнат қобилиятини йўқотган ҳолларда моддий таъминот олиш ҳуқуқи, барча ирқ ва миллат гражданларининг тенг ҳуқуқлигини, давлат, хўжалик ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини ҳам ўз ичига олади. Бу ҳуқуқлар қонун билан гарантияланади.

Биз шу билан фахрланишга ҳақлимизки, совет жамияти дунёда энг маърифатли жамият бўлиб қолди, совет фани эса билимларнинг энг муҳим соҳаларида илғор марраларни эгаллади. СССРнинг олий ўқув юртларида Англия, Франция, ГФР ва Италияни бирга қўшиб олганда бу мамлакатлардаги студентлардан деярли тўрт баравардан кўпроқ студентлар ўқимоқда.

Революцияга қадар Ўзбекистонда саводли кишилар аҳолининг атиги 2 процентини ташкил этган бўлса, эндиликда у ёппасига саводхон республика бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда республикада 8 мингдан кўпроқ умумий таълим мактаблари бўлиб, уларда 2 миллиондан кўпроқ киши ўқимоқда. Ўтмишда Ўзбекистонда биронта ҳам олий ўқув юрти бўлмаган бўлса, эндиликда 34 та олий ўқув юртига, шу жумладан иккита университетга эгамиз. Революцияга қадар фақат битта ўрта махсус ўқув юрти бўлган бўлса, улар ҳозир 86 та саналади. Бизнинг республика Фанлар академиямиз ва 130 дан кўпроқ илмий муассасаларимиз бор. Республикада 15 мингдан кўпроқ илмий ходим, шу жумладан 300 га яқин фан доктори ва 3 мингдан кўпроқ фан кандидати ишлаб турибди.

Совет тузуми шароитида меҳнаткаш инсон партия ва ҳукуматнинг, бутун халқнинг ғамхўрлиги ва эътиборидан ҳамиша баҳраманд. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг колхоз аъзоларига тўланадиган пенсия ва нафақалар тўғрисидаги Қонунига биноан колхозчиларни пенсия билан таъминлаш тартиби жорий этилганлиги Совет мамлакатининг жуда катта ютугидир.

СССР Конституцияси гражданларга гарантияланган кенг ҳуқуқлар бериш билан бирга, уларнинг зиммасига: Конституцияга риоя қилиш, қонунларни бажо келтириш, меҳнат интизомига риоя қилиш, иктимоий мулкка ҳалол муносабатда бўлиш, социалистик мулкни эҳтиёт қилиш ва мустаҳкамлаш, социалистик жамият қоидаларини ҳурматлаш каби муайян мажбуриятларни ҳам юклайди.

СССР Конституциясн илмий коммунизм принципларига асосланади, меҳнаткашлар оммасининг ишчилар синфи бошчилигидаги танҳо ҳукмронлигини қонуний мустаҳкамлайди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида ишлаб чиқилган СССР Конституцияси Совет давлатини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Совет кишилари Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик қурилишда эришган тарихий ғалабаларидан қонуний қувонадилар. Бу ғалабалар уларни янада катта яратувчилик режаларига руҳлантирмоқда. Омманинг активлиги ошиб бораётганлиги, меҳнат ғайрати борган сари жўш ураётганлигининг боиси ҳам мана шунда.

Б. САМАРХЎЖАЕВ,
юридик фанлар кандидати.



Бизда ҳар бир киши меҳнатда бахт-иқбол топмоқда. Юқоридаги суратда: Тошкент область Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозининг илғор сут соғувчиларидан (чапдан ўнгга) Раҳматжон Бадалбоев ва Солиҳ Ҳакимов ўртоқлар. Улар ўзларига биркитилган ҳар бош сигирдан 2800 литр ўрнига 2900 литрдан сут соғиб олиб, йиллик топшириқни муддатидан олдин адо этдилар. Шу кунларда меҳнатсевар сут соғувчилар 1966 йил ҳисобига ишламоқдалар. Пастдаги суратда сиз кўриб турган бахтиёрлар Андижон Давлат педагогика институтининг илм чўққиларини эгаллаётган студентларидан Т. Юсупова ва М. Охуновлар лаборатория машғулотларини ўтказмоқдалар.

А. Тўраев фотолари.



ИЗЗАТ-ҲУРМАТ

СССР гражданлари қариган чоқда, шунингдек касал бўлган ёки меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганда моддий таъминот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Буни бизнинг областимиз мисолида ҳам ёркин кўриш мумкин. Социал-таъминот органлари томонидан 1964 йилнинг 10 ойи мобайнида областимиз бўйича 13077 кишига 2555.300 сўм давлат пенсияси, 26910 та кўп болали ва болали ёлғиз оналарга 1960700 сўм давлат нафақаси, 21877 колхозчига 1750 минг сўм колхоз пенсияси тўланган бўлса, 1965 йилнинг 10 ойи мобайнида 13315 кишига 2 миллион 845 минг 400 сўм давлат пенсияси, 28427 кўп болали ва болали ёлғиз оналарга 3 миллион 126 минг сўм, 36002 колхозчига 3 миллион 718 минг 400 сўм пенсия ва 7771 колхозчи аёлга 561 минг 200 сўм декрет пуллари тўланди.

Область бўйича 78500 дан ортиқ киши давлатдан доимий моддий ёрдам олиб турмоқда. Инсон қадр-қиммати юксак баҳоланаётган бизнинг мамлакатимизда совет кишилари қариганда ўз меҳнатлари гаштини сурмоқдалар. Бу бахт кўзгуси—Совет Конституцияси шарофатидир.

М. ОТАЖОНОВ,
Хоразм область социал-таъминот бўлими мудирининг ўринбосари.

ЎТМИШДАН ҲИКОЯ

СССР гражданларига текин медицина ёрдами берилади, меҳнаткашлар учун жуда кўп курортлар очиб қўйилган.

Хоразм тарих музейининг илмий ходими, давлат мукофоти лауреати Абдуллажон ака Болтаев менга музей архивида сақланаётган бир ҳужжатни кўрсатди.

— Мана, ўқиб кўринг. Амударё музаффат ҳокимининг 1913 йилда Хива хони номига ёзган 1467-рақамли хати.

Шу кичик ҳужжат билан танишдим. Сўнгра Абдуллажон ака воқеани батафсилроқ сўзлаб берди. Ўша даврда Амударёнинг нариги томони, яъни ҳозирги Қорақалпогистонга қарашли ерлар оқ подшонинг вакили — Амударё музаффат ҳокими томонидан идора қилинган. Дарёнинг жанубида эса Хива хонлиги ўрнашган. Ҳалиги хатда келтирилишича, урганчлик Рамазон Мадалиев деган ишчи Тўрткўл шаҳридаги касалхонага бориб 25 кун даволанади ва бунинг учун 14 сўм 31 тийин қарздор бўлиб, ўз юртига қайтади. Амударё музаффат ҳокими Хива хонига мурожаат қилиб, қарздордан пулни ундириб беришни таклиф этади.

Хон хатни ўқиб чиқиб, Урганч шаҳрининг ҳокимини ўз ҳузурига чақиради Рамазон Мадалиевни дарҳол излаб топиш, қарзини ундириш ва Тўрткўл шаҳридаги касалхонага жўнатишни ҳокимга буюради. Ҳоким қарздор Мадалиев Урганчдаги Баққалов деган бойга қарашли заводнинг ишчиси эканлигини аниқлайди. Завод эгасидан Мадалиевни қарздор қилиб ўша 14 сўм 31 тийинни Тўрткўл касалхонасига юбортиради. Ишчи Мадалиев оғир бетоблигига қарамай то қарзини узгунча заводда ишлашга мажбур бўлади.

Эндичи? Революциягача атиги битта касалхона мавжуд бўлган Хорамда ҳозир даволаш муассасаларининг кенг тармоғи, малакали врачлар отряди вужудга келди. Халққа бепул медицина хизмати кўрсатиляпти. Касалликлар камайиб, умр узаймоқда. Ҳалиги Мадалиев ишлаган завод революциядан кейин йирик индустриал корхонага, Урганч ёг заводига айланди. Завод ишчиларидан бир неча киши ўтган ойларда курорт ва санаторийларда дам олди, даволанди.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТ ГАШТИ

СОВЕТ ГРАЖДАНЛАРИ МЕҲНАТ ҚИЛИШ, ДАМ ОЛИШ, ИЛМЛИ БЎЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАДИРЛАР.

Тошкент тўқимачилик комбинати касаба союз ташкилоти ишчи ва хизматчиларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари, умумий меҳнат қилишлари, ўз билимларини оширишлари учун ғамхўрлик қилмоқда.

Ўтган етти йил ичида ишчи, хизматчилардан 2447 киши мамлакатимизнинг денгиз бўйларидаги ва тоғ ёнбағирларидаги сўлим, шифобахш жойлардаги курорт ва санаторийларда ҳордиқ чиқаришиб, дардларига даво топишди.

Бепоён Ватанимизнинг дам олиш уйларида эса ана шу вақт ичида 10 мингга яқин тўқимачилар бўлишиб, шундан 650 киши бепул путёвкалардан фойдаланишди. Тўқимачилар Москва яқинидаги қайинзорларда, Закарпатье ва Ўрта Осиёнинг хушманзарали тоғлик жойларидаги дам олиш уйларида ҳордиқ чиқардилар.

Тўқимачилардан 729 киши она-Ватан ва чет эллар бўйлаб ўтказилган туристик сайҳатларда қатнашишди. 1-тўқув фабрикасининг мастер ёрдамчиси Ғофур Қодиров, шу фабрика цехининг раиси Валентина Файзуллаева Германия Демократик Республикасида, 2-тўқув фабрикасининг мастер ёрдамчиси Абдукарим Қаршибоев, газламага гул босиш фабрикасининг машинисти Нина Мурзина—Болгарияда, биринчи тўқув фабрикасининг ремонтчиси Аҳмаджон Бобожонов ва 2-фабриканинг йигирувчиси Мария Алпатова — Чехословакияда, биринчи тўқув фабрикаси ремонт бўлимининг бошлиғи Едгор Хабибуллин — Польшада бўлишди.

Тўқимачиларнинг ишлаб турнб дам олишларини таъминлаш мақсадида комбинат қошида тунги санаторий ишлаб турибди. Бу ерда тўқимачилар врачлар назорати остида бўладилар, тўрт маҳал овқатланишиб, шу ерда тунайдилар. Ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун тўқимачилар ихтиёрига минглаб китоблар, телевизор, радио, билиард, пианино, шахмат-шашкалар берилган. Ўтган етти йил ичида тунги санаторийда 4480 киши, шу жумладан 896 киши бепул дам олди.

Комбинат касаба союз ташкилоти оммавий-маданий ишларга, болалар тарбиясига ҳамда физкультура ва спортни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бермоқда. Фақат ўтган етти йилликнинг ўзидаёқ 331 минг 350 сўм маблағ ана шундай тадбирларга сарфланди.

Порлоқ истиқбол сари олға бораётган комбинат ишчилари фидокорона меҳнат гаштини суриб, ҳузур қилиб яшаяптилар.

А. АЮПОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати касаба союз комитетининг раиси.

ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

СССРнинг 23 ёшга етган ҳар бир граждани, унинг ирқи ва миллати, жинси, диний эътиқоди, билим даражаси, ўтроқлиги ва иктимоий чиқиши, мол-мулки ва ўтмишдаги ишидан қатъи назар, Советларга депутат бўлиб сайлана олади.

Иш соати тугади. Ўқитувчилар уйларига йўл олдилар. Элионора Зорина бўлса ён дафтаридаги ёзувларни ўқиди-да, қаергадир кетди. У мўлжалдаги адресга етгунча қоронғу тушиб қолди. Бемаҳал эшикнинг тақиллаши уй эгаси Угольниковани бир оз ҳаяжонга солди.

— Ким? — Сўради у.

— Мен Зоринаман. Шаҳар Советидан... Сизда ишим бор эди. Кечирасиз. Ташвишланманг,—деди Элионора,— мен сизнинг депутатингизман. Хабар олгани келдим. «Депутат» сўзини эшитган Угольниковани боқишлардаги савол, таажжублар тарқаб, меҳрибон кишисини учратгандек қувониб кетди.

— Ўғлингиз Игорь кўринмайди? Анчадан буён мактабга бормас эмиш...

У худди шуни кутиб турғандек, ўз юрагини тирнаб юрган масала — ягона ўғлининг тартиб-интизоми, ўқиши ҳақида гапира бошлади.

— Нима қилай?.. Иш жойим узоқ. Эрталаб кетаман, кеч қайтаман... Ростини айтсам, болам қандай ўқияпти, куни билан нима қилиб юради, аниқ билмайман. «Мактабга бордингми?» — десам, «ҳа» — дейди.

— Интернатга берсангиз...

— Бормайман, — дейди.

— Қани, мен ўзим бир гаплашиб кўрайчи...

Кечи шаҳар Советининг депутати Элионора Алексеевна Зорина мактаб-интернат маъмурияти билан гаплашди. Игорь билан суҳбатлашди. Игорь мактаб-интернатда ўқий бошлади.

Шаҳар Совети халқ маорифи доимий комиссиясининг раиси бўлган Зорина Игорга ўхшаган, турли сабабларга кўра мактабга бормай қўйган ўнлаб болаларни ўқишга қайтарди. Депутатлар билан бирга, жамоатчилик ёрдами билан умумий таълим планини бажаришга ҳисса қўшди.

Кечи темир йўлидаги Ю. Гагарин номли мактаб-интернатда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаётган Элионора Алексеевна ўқитувчилар малҳоратини ошириш масалаларига тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Халқ хизматкорининг иши кўп қиррали бўлади. У фақат ўз асосий ишида бошқаларга ўрнак бўлибгина қолмай, балки жамоат ишларида ҳам актив иштирок этиши лозим.

Севимли депутат сайловчиларнинг келишини кутмайди, уларнинг ёнига ўзи боради. Шахсан уларни ҳаёти билан танишади, уларнинг тилак-истакларини ҳисобга олиб боради.

...Сайфулов деган киши бир неча йиллардан бери ўз ўғлини қидириб юрарди. Буни эшитган депутат унга ёрдам беришга киришди. У ота билан бирга турли ташкилотларга мурожаат қилди. Областдаги болалар уйидан бирида тарбияланаётган ўғил билан узоқ вақт қидириб юрган отанинг учрашувини кўриб турган Элионора Алексеевна ҳам ниҳоятда хурсанд эди.

Биз ҳурматли депутатимиздан миннатдормиз.

А. ФОЗИЛОВ,
сайловчи.
Бухоро области.

ИНСОНИЙ ҲУҚУҚ

СССР гражданларининг миллати ва ирқидан қатъи назар, хўжалик ва давлат ҳаётининг маданий ва иктимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенг ҳуқуқли бўлишлари ўзгармас қатъий қонундир.

Илгари лўли дейилса, кишилар кўз ўнгига ҳеч қаерда ишламайдиган, йиртиқ-ямоқ кийимли, жанжалкаш одамлар келарди. Улуғ Октябргача лўлилар миллат у ёқда турсин, инсон қаторига қўшилмасди. Кўпроқ кўчиб юрар, қаерга бормасин туртки ер, камситилар эди.

Советлар даврида барча миллатлар қатори бизнинг кўкрагимизга ҳам офтоб тегди. Ҳамма қатори инсоний ҳуқуқлардан баҳраманд бўлдик. Ҳозир лўлилар орасидан олий маълумотли мутахассислар, турли касб эгалари етишиб чиққан. Улар асосан Қўқон, Янгийўл, Тошкент шаҳарларида ўтроқ бўлиб қолганлар.

Менинг ўзим, ўнинчи синфни тамомлаб, институтга кириш нияттидаман. Ҳозир Тошкент чинни идишлар заводида ишламоқдаман.

Бизнинг ҳам инсон фарзанди эканлигимизни юзага чиқарган партия ва ҳукуматимиздан миннатдормиз.

Зариф МУРОТОВ,
Коммунистик меҳнат зарбдори.

БАХТ ЁР БЎЛСИН!

Совет Конституциясининг ҳаётбахш нурлари ҳар бир хонадонни нурафшон ҳамда фаровон қилмоқда.

Пайтахтимизнинг Куйбишев районидаги 2-Токарная кўчасида жойлашган шинамгина уйлардан бирида истиқомат қилувчи Карим Ҳасановлар оиласи ана шу нурдан баҳраманд бўлган аҳил ва бахтиёр оилалардан бири. Бу оилада сермазмун ва қувноқ ҳаётимизнинг ёрқин лавҳаси мавжуд.

Ҳа, бу оила мақтови бутун маҳаллага таралган. Оила аъзолари камтар, дилкаш кишилар. Байрам арафасида биз ана шу оилада бўлдик.

Маҳбуба опа ва Карим ака ўн болани тарбиялаб, вояга етказмоқдалар. Улар фарзандларимиз натта бўлиб, халқимизга қўлларидан келганча хизмат қилишса деган умиддамиз, дейишади.

Ҳозир уларнинг бу орзулари рўёбга чиқабошлаган. Катта ўғиллари Ғофур Қўқондаги автомобиль йўли техникумини битириб, ҳозир Тошкентдаги 7-автобазада автоколоннна бошлиғи бўлиб ишлаётир. У коллективда обрў-эътибор қозонган. Яқинда уни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилишди. Тўйчи эса Совет Армияси сафида она-Ватан олдидаги бурчини шараф билан ўтамоқда. Муроджон илмий текшириш институтида лаборант бўлиб ишлаш билан бирга, кечки мактабнинг 10-синфида ўқийди. Фаттох, Баҳоб, Бахтиёр, Доно, Маҳмудлар эса мактабда ўқишади. Кенжатойлари Нодира уйда, меҳрибон ойисининг бағрида.

— Болаларимизнинг мақсадлари юксак. Уларнинг суҳбатини тингласам оиламиздан олим ҳам, инженер ҳам, врач ҳам, учувчи ҳам чиқадиган. Фарзандларимиз ўз орзуларига эришишига ишончимиз комил. Чунки ғамхўр партия ва ҳукуматимиз уларнинг ишлашлари, ўқишлари учун барча шароитларни яратиб берган, — дейди фахр ва ғурур билан Маҳбуба опа.

Маҳалладагилар билан суҳбатлашгудай бўлсангиз, кўпчилик Маҳбуба опа ва Карим акаларни қалби пок, меҳри дарё кишилар дейишади. Бу гаплар бежиз эмас.

1930 йилларнинг ўрталари. Озодликка чанқоқ ўзбек хотин-қизлари ичиқларини ўзларини ижтимоий меҳнат қучоғига отдилар. Ана шулар орасида Карим аканинг опаси Солиҳхон ҳам бор эди. У Тошкентдаги магазинлардан бирида ишлай бошлади. Бу Солиҳнинг эрига маъқул бўлмади. Жаҳолатпарастлик унинг қўлига пичоқ тутқазди. Золим эр ўзининг гулдай хотинини пичоқлаб ўлдирди. Қотил қилмишига яраша жазо олди. Ёш Абдулхай эса ота-онасиз етим қолди. Бунга Карим ака бефарқ қараб туролмади. Абдулхайни ўз тарбиясига олди. Маҳбуба опа ҳам унинг онасизлигини билдирмади. Абдулхайни оқ ювиб, оқ таради. Улар уни ўз фарзандларидек ардоқлашди, ўқитишди. Ҳозир у техника фанлари кандидати. Ўрта Осиё Давлат нефтни қайта ишлаш саноати илмий текшириш институтида катта илмий ходим бўлиб ишлайди.

— Яхшиям бахтимга шулар бор экан. Мен ҳаётда ўз йўлимни топиб олдим, — дейди Абдулхай Ҳасанов. Бунинг учун улардан бир умр миннатдорман.

Дарҳақиқат, Абдулхай Ҳасанов уни тарбиялаб вояга етказиб, яшашни, меҳнатни, ҳаётни севишни ўргатган азиз меҳрибонларини бир минут ҳам унутаётгани йўқ. Ҳозир у 3 боланинг отаси. У ҳар байрам, ҳар дам олиш куни оиласи билан ана шу азиз кишиларини кўргани келади. Уларга қўлидан келганча ёрдам бериб туради.

— Ана шу ошхонадаги газни ҳам Абдулҳайжон ўтказиб берган,—дейди Маҳбуба опа.

Карим аканинг синглиси Муқаддам бевақт вафот этди. Унинг 6 ёшли қизи Муҳайё ҳам ана шу бағри кенг оилада ўсиб улғайди. Муҳайё бу йил Тошкент педбилим юртини муваффақиятли битирди. Ҳозир у бошланғич синфларга дарс бермоқда.

Бугунги улуғ айём нуиида бағри кенг, аҳил оила аъзоларини байрам билан қутлаймиз. Бахтиёр оилага қувонч ва бахт доим ёр бўлсин!

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

Коммунистик одоб ва ахлоқ масалалари

МЕҲНАТИНГ — ШУҲРАТИНГ

Узоқ умр кўриб, катта ҳаёт йўлини босиб ўтган нуроний мўйсафид билан суҳбат қурганда бир нарсага эътибор бердингизми? У ўз тажрибаси, оиласи, қишлоғи, маҳалласи, жамият учун қилган меҳнати ва яхшилиги тўғрисида сизга батафсил гапириб беришни истайди. Буни баъзан «қарилик эзмалиги» дейсиз. Шундайми-кин? Йўқ, бу ерда бошқа гуйғу бор. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли шовқинлари тинганига қарийб чорак аср ўтяпти. Лекин, ҳанузгача окоплар, қамоқлар, деворига қон билан битилган номлар топиляпти — номаълум қаҳрамонлар маълум бўляпти. Инсон қадами етган ҳамма жойда тог-тошдами, дашт-биёбондами, унинг аломатини, изини топамиз. Инсон ўлса ҳам, кўрсатган иши ҳақидаги шуҳрати қолади.

Инсон табиати денгиздек азм, кўп қиррали. Унинг мўлкўл озиқ-овқат, гўзал кийимкечак, қулай уй-жойга эҳтиёжидан ташқари, маънавий аҳлоқий-эстетик эҳтиёжлари — севги, дўстлик, ўртоқлик, ўзгалар билан ҳамкор ва ҳамроз бўлиш эҳтиёжи бор. Буни ҳамма тан олади. Бу эҳтиёжларини киши ўзгаларга ошкора айта олади, ҳатто улардан бу ҳуқуқларини ҳурмат қилишни талаб этади. Лекин кишининг ўзгаларга ошкора айтаолмайдиган, талаб қилолмайдиган, фақат дилда, кўнгилда сақлайдиган, ниҳоятда нозик, маънавий эҳтиёжлари ҳам бор. Жамият ҳурмати, шуҳратга интилиш ана шундай нозик эҳтиёжлар, яхши ишлар, қаҳрамонликлар эса ана шу интилишнинг турли ифодасидир.

Шуҳратга интилиш интеллектуал—ахлоқий жиҳатдан, нормал ривожланган ҳар бир кишининг оқилона эҳтиёжидир. У шахсининг жамиятда ўз ўрнини топиш, жамиятнинг муносиб аъзоси бўлишга интилишининг бир томонидир. Бошқача айтганда, ҳар бир киши ўзининг жамият фойдаси учун меҳнати, ижоди, қаҳрамонлиги, одамларга яхшилиги билан инсоний ва гражданлик бурчини адо этгани ҳолда, бу фаолиятини коллектив, жамоатчилик томонидан муносиб тан олинишини, иззат-ҳурмат кўрсатилишини истайди, кўпчилик олдида обрў ва шуҳрат топишга интилади.

Албатта, ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, поезд ғилдираги остидан ёш болани қутқариб қолган жувон, чўкиб бораётган кишини асраб қолган йигит айни вақтда шуҳрат ҳақида ўйлашга вақти ҳам бўлмайди. Лекин у ўзининг ана шу ишини бошқалар билиши ва эсда тутишини истайди. Бошқаларнинг эътироф этиши унга маънавий қониқиш бағишлайди, эътиборсизлиги эса унинг кўнглида лоқайдлик тугдиради. Киши ҳаёти тасодифлардан иборат бўлмай, у ўз ҳаёт йўлини, қиладиган ишларини аввалдан ўйлаб, белгилаб олади, муайян мақсадлар ва ниятлар билан иш тутади. Ишчининг меҳнатида, олимнинг кашфиётида, деҳқоннинг мўл ҳосилида, онанинг ўз фарзандини чинакам инсон қилиб тарбиялашида жамият ҳурматига эришиш муҳим роль ўйнайди.

Шуни айтиш керакки, кундалик тарбиявий ишимизда шахснинг жамиятга садоқати, фидокорлиги, коллективизм туйғуларини тарбиялашга ҳақли равишда катта эътибор берамиз. Лекин, коллектив ва кенг жамоатчиликнинг ўз аъзосининг барча инсоний эҳтиёжларига, хусусан, унинг нозик маънавий эҳтиёжларига ҳурмат билан қараш лозимлигига ҳамма-вақт ҳам етарли эътибор беравермаймиз. Баъзан коллективга меҳнати сингган киши узоқроқ касал бўлиб қолса ёки пенсияга чиқиб кетса, у билан коллективнинг алоқаси узилиб қолади. Фарғоналик фабрика ишчиси Н. Охунова касал бўлиб қолганда, оддий ишчилар ҳурмат қилиб келиб, бемордан хол сўрашган-у, корхона раҳбарлари коллектив шуҳрати учун ишлаб, соғлигини йўқотган аёлни эсларига ҳам келтиришмаган.

Бизнинг жамиятимизда меҳнатга яраша иш ҳақигина эмас, меҳнатга яраша обрў, шон-шуҳрат ҳам бор. Кишининг жамият равнақи учун меҳнати, унинг коммунистик қурилишга қўшган ҳиссаси — унинг жамият учун қадр-қиммати, шахсий шон-шуҳратининг тарозисидир. Ўзининг ижодий меҳнати билан жамиятимиз ҳурматига сазовор бўлаётган оддий ишчи ёки чўпон, пиллакаш ёки сут соғувчилар бунинг ёркин далилидир. Меҳнат илғорлари кундалик матбуотда, радио, телевиденеда мақталади, ҳурмат тахталарига ёзилади, ҳатто тириклигидаёқ уларга ҳайкаллар қўйилади, халқ уларга юксак ишонч билдиради. Бирор бошқа жамиятда меҳнаткашлар бизнинг жамиятимиздагидай иззат-ҳурматга эга эмас. Лекин кишиларимиз меҳнатини ҳурматлашда ҳали ҳозиргидан ҳам кўра кўпроқ иш қилишимиз мумкин ва лозим.

Тошкент — Қўқон йўлидан енгил машинада боряпмиз. Ҳамроҳимнинг ажойиб тог манзарасидан ҳам кўра, тог бағирлаб кетган асфальт йўлдан ҳайратланаётгани сезилиб турибди. У ҳаяжонини ичига сиғдиролмади шекилли, «бу йўлларни ким қурди экан-а?» деб қўйди. Ота-боболаримиз асрлар давомида орзу қилиб келган бу йўлни қаҳрамон совет кишилари қурган. Бу равшан. Аммо, бу азм йўл қайси азаматларнинг ақл-заковати, қўл қадоги натижасида бунёд этилган? Йўл четида осмонга сапчиб турган қулунлар, ҳамлага тайёр арслонлар ҳайкали йўловчиларга боқиб турибди. Аммо ана шу дилни равшан қилувчи йўлни қурганларнинг номи ҳеч жойда йўқ. Кишиларимизнинг меҳнати, жонбозлиги, фидокорлиги билан қад кўтарган ҳар бир иншоотга — завод ёки тўғонга, кўприк ёки бинога уни яратувчиларнинг номлари битиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бу фақат кишиларимиз меҳнатини ҳурматлаш, кенг жамоатчиликка маълум қилишгина эмас. Бу катта иқтисодий ва тарбиявий масала — меҳнат унумдорлигини, сифатини ошириш, ҳар бир кишининг ўз касбига ихлосини ошириш, унда касб шаънини тарбиялаш, ниҳоят, ёшларга яхши намуналарни тарғиб қилиш масаласидир.

Яқинда Ўзбекистон районидаги Таргава қишлоғида бўлдим. Уни энди эски маънодаги қишлоқ деб бўлмайди. Қишлоқ бутунлай янги либосга бурканган, кўча ва уйлар электрлашган, ҳар бир хонадонда радио, телевизор. Эски масжид биносидаги биз ўқиган мактаб ўрнида янги қурилган касалхона, тутруқхона, кенг йўл четида ўрта мактаб, унинг қаршисида болалар боғчаси, магазин, почта. Ҳаммом қуришга тайёрлик кўриляпти. Бу — бошқа кўпчилик қишлоқларимиздек социалистик қишлоқ. Ўрта мактабни битириб, қишлоқда ишлаб турган турли ёшлар, ўрта мактабда ўқиётган ўсмирлар билан суҳбатлашдим. Уларнинг фикр доираси кенглиги, билимдонлиги, ташқи қиёфаси кишининг ҳавасини келтиради. Қизиқсиниб, улардан илғорги ҳаром қишлоғимизни ана шундай социалистик қишлоққа айлантирган кишиларни билиш-билмасликларини сўрадик. Афсуски, улар буни билишмади. Ҳатто бундай савол айримларининг хаёлига ҳам келмабди.

Қишлоқда Совет давлати марҳамати билан умрида биринчи бор ерли бўлган батракларни, якка хўжаликларни бирлаштириб колхоз тузган, қулоқлар, мулла-эшонлар босмачиларнинг ёш Советларга қарши ҳуружини биринчи бўлиб қайтарган кишилардан Деҳқонбой ота. Исмоил ота Рўзимат ака ҳозир орамизда йўқ. Қишлоқда социализм учун кураш ветеранларидан Маҳсум ота, Мадумар ота, Обид ака, Тоштемир ота, Ярмонбой ака, Бўривой ака, Корабой акалар ҳали барҳаёт. Улар ҳозир қишлоқ ҳаётида актив иштирок этишяпти. Ёшлар, хусусан ўсмирлар кўз ўнгида улар шунчаки пенсионерлар, холос. Йўқ, бу қариялар колхоз ҳаракати ветеранлари, социализмнинг қишлоқдаги биринчи гвардиячилари эканини ёшлар билишлари керак. Ҳар бир киши ўз меҳнати коллектив, жамоатчилик томонидан тан олинганини, ҳурмат қилинаётганини, ёш авлод унинг меҳнатини юксак қадрлашини сезиб турсин.

Бизнингча, айрим жойдардагина эмас, балки ҳар бир колхоз, совхоз, завод, фабрикаларда ва бошқа ташкилотларда «Социалистик ва коммунистик қурилиш ветеранлари» китобини ташкил этиш керак. Бу китобга айни коллективга меҳнати сингай кишиларнинг номи, қисқача биографияси, меҳнат ва ижтимоий фаолияти битиб қўйилса, яхши бўларди. Ҳозирги вақтда ҳар бир колхоз, совхоз, завод ёки бошқа корхонанинг илғор тарихини яратишга ҳам қурбимиз етади. Ҳар бир коллективда юқори малакали кадрлар бор. Бу тадбирлар ёшларни оталаримизнинг революцион традицияларни руҳида тарбиялаш, уларда кекса авлодга нисбатан ҳурматни тарбиялаш, ёшларга ҳозирги турмушни, коммунистик тузумимизни қадрлашни ўргатиш ишига ижобий таъсир кўрсатарди.

Кишиларимиз меҳнатини маънавий рағбатлантириш соҳасида ҳам резервларимиз кўп. Корхона ва муассасаларнинг меҳнатни маънавий рағбатлантириш тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, кўпинча муайян коллектив ютуғи учун, чунончи звено ёки бригада, цех ёки бўлим ютуғи учун унинг бошлиғи тақдирланади. Бундай тақдирлаш, баъзан ўринли ва фойдали. Раҳбар ходимларнинг шахсий ташаббусини ошириш, истеъдодини намойиш қилиш учун кучли таъсир кўрсатади. Лекин у тақдирлашнинг бошқа формалари билан қўшиб олиб борилмаса, коллективнинг бошқа аъзоларининг меҳнатини сояда қолдиради, раҳбар ходимнинг коллективдан узоқлашувига, унинг характерида коллектив аъзоларига нисбатан кибр-ҳаво, манманлик ниши юз беришига олиб келади. Индивидуал тақдирлашни коллектив тақдирлаш, масалан бутун звенони, бутун бригадани, коллективнинг фидокорона меҳнат қилган барча аъзоларини тақдирлаш билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бундай тақдирлаш коллективнинг жипслашувига, коллективда кишилар ўртасида меҳнатга янгича коммунистик муносабатнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин, ишчиларни, ходимларни муносиб тақдирлаш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш учун катта имкониятлар вужудга келди. Бу имкониятлардан кандай фойдаланиш коллектив бошлиқларининг ахлоқий қиёфасини белгилайди. Бошлиқларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий жавобгарлиги ошади.

Кишиларимиз меҳнатини қадрлаш, уларнинг ўз меҳнати эвазига жамият иззат-ҳурматига эришишга бўлган эҳтиёжини қондириш йўллари ва воситалари жуда кўп. Жумладан, мукофот ва ташаккурларни коллектив ўртасида, тантанали вазиятда топшириш яхши анъанага айланиши керак. Токи, ҳар бир ходим ўз меҳнатини бошқалар тақдирлаётганини аниқ сезиб турсин.

Маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлган кишининг нормал эҳтиёжи — ҳаққоний шуҳратпарастлик билан аралаштирилмаслик керак. Шуҳратпарастлик ўзига хос бир иллат. У асосан жамиятда муайян имтиёзларга эга бўлган айрим кишилар ҳулқида намоён бўлади. Шуҳратпараст киши жамиятга ўзи берган нарсадан кўра беқиёс кўп нарса — осон шуҳрат талаб қилади. Баъзилар чиндан ҳам кўп ишлайди, лекин ҳамиша ўзини кўрсатишга ҳаракат қилади. Улар бемаъёр ғовлаган эҳтиёжини турли ғайри ахлоқий йўллар билан қондиришга интиладилар

Шуҳратпарастлик ҳудбинликнинг ўзига хос кўринишидир. Шуҳратпараст бола оилада меҳнатга ўрганмай, талтайиб ўсган бўлади. Коллективда социалистик турмуш талаблари — коллективнинг ҳар бир аъзоси фаолияти билан доимо қизиқиш, ўзаро ўртоқларча танқид шуҳратпарастликнинг олдини олиши мумкин.

Илмий коммунизмнинг асосчиси Карл Маркс коммунистик жамият амалдаги инсонпарварликдир,—деб таърифлаган эди. Инсонпарварлик эса ҳаммага моддий маънмурчилик, инсон фазилатларини такомиллаштириш учун кенг шарт-шароит яратиб бериш, инсон шахсига самимий ҳурматдир. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзосининг барча оқилона эҳтиёжларини, шу жумладан унинг энг оддий, маънавий эҳтиёжларини ҳам юксак қадрлаш, етарли даражада қондириш коммунизмнинг, инсонпарварликнинг амалий ифодасидир

У. ТОШТЕМИРОВ,
фалсафа фанлари кандидати.

ОММА БИЛАН ҲАМНАФАС

ҚАРШИ (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Бу ердаги Тўйчи Тошмуҳамедов номли область театри биносида «Совет Ўзбекистони» газетҳонлари ҳамда Тошкент радиоси ва телевидениеси шинавандаларининг конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция қатнашчилари «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориевнинг, Ўзбекистон радио ва телевидениеси Давлат комитети раиси У. Иброҳимовнинг ахборотларини тинглаб, уни қизғин муҳокама қилдилар, мазкур пропаганда органлари фаолиятидаги ижобий ишларни таъкидлаш билан бирга, қимматли маслаҳатлар ҳам бердилар. Жумладан филология фанлари кандидати Қ. Расулов «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинаётган шеър ва ҳикояларнинг мазмунини янада бойитиш зарурлигини айтди. У газетхонларни жаҳон адабиётининг таниқли намояндалари ижоди билан таништириб боришни маслаҳат берди.

«Қашқадарё ҳақиқати» область газетасининг бўлим мудири С. Рустамов илғор саноатчилар тажрибасини янада кенгроқ ёритиш, таланти иженерлар ижодхонаси билан газетхонларни таништира боришни тавсия этди. «Совет Ўзбекистони» мухбирлар пости аъзоси Навоий номли 2-мактаб ўқитувчиси М. Маҳмудова ишчи мухбирларга ёрдамни кучайтириш кераклигини айтди.

Шунингдек газетхонлардан бир неча киши областнинг довюрак чўлқуварлари тўғрисида, халқ маорифининг кекса ва тажрибали ходимлари ҳақида кўпроқ материаллар бериб боришни таклиф қилдилар.

Конференцияда сўзга чиққан ўртоқлар радио ва телевидение орқали берилаётган эшиттиришлар савиясини янада яхшилаш, айниқса ёшлар тарбияси темасида кўпроқ материаллар эълон қилишни талаб этдилар.

Худди шундай конференция областнинг Яккабоғ районидаги Калинин номли колхозда ҳам бўлиб ўтди. Конференциялардан сўнг Тошкент радиоси Давлат комитетининг хушовоз ашулачилари ва созандалари ижросида концерт кўрсатилди

□ □

ТЕРМИЗ (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Кеча бу ерда «Совет Ўзбекистони» газетхонлари радио ва телевидение томошабинларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда редколлегия ҳамда радио ва телевидение комитети ходимлари ҳисоб бердилар.

Ҳисобот докладлари юзасидан Термиз педагогика институтининг декани М. Бобохўжаев, «Ленин байроғи» газетасининг редактори А. Лутфуллаев, область радио комитетининг бошлиғи О. Авлиёқулов, кутубхона ходими В. Царевская, «Правда» номли мактаб илмий бўлим мудири Х. Тангриев, область партия комитетининг секретари Х. Азимов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, қимматли таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирдилар.

Ана шундай конференциялар Денов ва Сариосиё районларида ҳам ўтмоқда.

СУРХОНДАРЁ «ЗАНГОРИ ЭКРАН»ИДА — ТОШКЕНТ

Яқин кунгача Сурхондарё область меҳнаткашлари «зангори экран»да Душанба телевидение студияси программаларини томоша қилиб келар эдилар. Душанба телестудиясининг эшиттиришлари Вахшивор ва Жарқўрғондаги икки телетранслятор орқали олиб кўрсатиларди. Масофа узоқ бўлганлиги учун эшиттиришлар хира кўринарди. Бу эса телетомошабинларнинг талабига жавоб бера олмаслиги албатта табиий эди.

Область меҳнаткашларига телевидение программаларини кўрсатиш ишларини яхшилаш ва Тошкент телестудиясининг программасини телетомошабинларга аниқ ва сифатли даражада кўрсатиш мақсадида 1964 йилда катта узатгич станциясининг қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Яқинда 165-қурилиш трестининг бинокорлари Жарқўрғон телетранслятори ва махсус техник жиҳозлар ўрнатиладиган бино қурилишини тугалладилар. Мазкур бинодаги аппаратлар залини қудратли передатчик монтаж ишларини олиб бориш учун бўшатиб беришди.

11-қурилиш трестининг азамат қурувчилари Саримас тоғларидаги қабул пункти учун қад кўтараётган қурилиш ва монтаж ишларини муддатидан олдин тугалладилар. Қашқадарё область территориясидаги иккита шаҳарлараро узатувчи пункт қурилиш ва монтаж ишлари ҳам ҳамма трасса бўйлаб тугалланди, қабул қилувчи аппаратлар созланяпти.

Яқинда Жарқўрғон телетрансляторига антенна учун ишланадиган металл конструкциялар келтирилиб, моцтаж ишлари жадаллаштириб юборилди.

Сурхондарё областининг меҳнаткашлари янги йилдан бошлаб Тошкент «зангори экрани» орқали пойтахт программаларини тиниқ ва сифатли кўриш имконига эга бўладилар.

Ҳ. ЗУФАРОВ,
Р. АКРОМОВ.



Зулфия Алиматова Калинин район идаги генерал Собир Раҳимов номли колхоз сут-товар фермасининг илғор ходимидир. У кундалик топши рикларни муттасил ошириб адо этади. Суратда: Зулфия Алиматова.

А. Тўраев фотоси.

ҚИШЛОҒИМИЗ КИШИЛАРИ

ШИНГИЛ ЛАВҲАЛАР

Олтин юлдуз ярқиради...

Куз шабадаси эсиб турибди. Тонг. Одатдагидай барвақт уйғониб, пахтазорга йўл олган Қумрихон йигирма йилдан бери пахтазорда, мана шу қадрдон далада меҳнат қилади. Эндигина 20 баҳори кулган чоғлари... Қумрихон этак-этак пахта терб, хирмонларни ярқиратган эди. Ўша бир кунда 300 килограммлаб «оқ олтин» териб номи республикага тарқалган аёл Қумрихон Рустамова. Бундан ўн йил олдин у шонли пахтакорлар қаторида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига эга бўлди.

Бригадир Қумрихон механик-ҳайдовчи Ўткир Мирзадавлатовнинг ёнига етиб келганида бошқа бригадаларни ҳам айланиб йўлйўриқ кўрсатиб келаётган раис Мадаминжон Тошхўжаев келиб қолди.

— Салом, Қумрихон опа, бугун жуда ҳам барвақт уйғонибсиз. Узингиз-ку, кечаси пахта пунктидан иккига яқин кетган эдингиз.

— Мадаминжон, шу кунларда уйқу ҳам келмайди. Пахтамиз далада бизга мунтазир бўлиб турганда уни ғанимат паллада териб олмасдан, давлатимизга топширмасдан тиниб-тинчиб бўладими.

Дала қўёшнинг илиқ нурлари билан чарогон бўла бошлаганда механик-ҳайдовчи Ўткир Мирзадавлатов беш-олти бункер пахтани хирмонга тўкиб бўлган эди.

Бригадир билан раис ғат оралаб, ҳосилни чамалаб кўрар экан:

— Ҳали бу ерларнинг ўзидан яна ўн центнердан бемалол териб оласиз, — деди раис Қумрихон опага.

— Сиз ўн центнер дейсиз, биз ўн беш центнердан ваъда бермоқчимиз.

— Мадаминжон ака, менинг ўзим шу ернинг ўзидан ҳали яна 40 тонна «оқ олтин» териб топширмоқчиман, — деди 120 тонна «оқ олтин» териб қўйган механик-ҳайдовчи Ўткир Мирзадавлатов.

Бригадир билан раис 75 гектар ердаги ҳосилни чамалаб кўрдилар. Бугун пахта тўладиган кун. Эрта тонгда Қумрихон ўз бригадаси номидан рапорт бермоқчи.

Қизлар билан механик-ҳайдовчиларнинг ғайрати билан завққа тўлиб ширин кўшиқлар айтаётгандирлар. Ана улар йўлнинг нариги бетида «оқ олтин» термоқдалар. Ҳадимахон Мирзаева, Ғошимжон Мирзаев, Ҳайрихон Хўжаева, Эътибор Отахоноваларнинг ҳар бири 7-8 тоннадан «оқ олтин» териб, давлатга топширдилар. Бригада «оқ олтин» етиштиргунгача жуда катта машаққатли, лекин шарафли йўлни босиб ўтди. Холисўра Абдуҳакимов, Ғошимжон Мирзаев, Рўзиматжон Тожибоев каби ажойиб сувчилар ғўзани асло чанқатмаслари йўқ.

Қумрихон Рустамова 28 йиллик ажойиб коммунистик меҳнат бригадаси билан бу ерда «оқ олтин» ўстирди. Бригада пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин бажариб, ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олди.

Шўх, асов Шаҳрихон-сойнинг этакларидаги жиловланган сувлар ҳисобига обод бўлган пахтазорлар чинакам «оқ олтин» конига айланганини кўриб кузовинг кетасиз.

Механик-ҳайдовчилар қанчалар маҳорат билан ишлаган бўлсалар, машинага интилаётган, машина рулини эгаллаш иштиёқида келгуси йилда курсларга бориб ўқимоқчи бўлган гайрат-шижоатли Тожихон Рустамова, Инобатхон Абдулҳакимова, Ҳалимахон Шокирова, Жононхон Эргашевалар ҳам чинакам чевар, азамат пахтакорлардек бўлгилари, улардек донг таратгилари келади.

Ҳозир бу йилги баракали меҳнат нашидасидан шавқу завққа тўлган Қумрихонлар шудгорни қизитиб юбордилар.

Меҳнатда тобланганлар

Ленин номли колхоз механизаторлари колхоз правлениесига йиғилишдан олдин тракторчи Исоқжон Аҳмаджонов бригадир акаси Ёқубжон Аҳмаджоновга:

— Ака, ишлар ҳам якунланмоқда. Юринг, бугун йиғилишдан сўнг янги «Москвич» машинамизда болаларни бир айлантириб келайлик, — деди.

— Баракалла ука, — худди дилимдагини гапирдинг. Кеннойинг ҳам шундай деяётган эди, — мамнун бўлиб жавоб қилди Ёқубжон.

Икки азамат ака-ука оиласи тотув яшайди. Исоқжон келини бибиси Салтанат опани қанча ҳурмат қилса, Ёқубжон ака ҳам унасининг рафиқаси Раҳимахонни жуда ҳурмат қиладн.

1965 йилги меҳнатлари учун оила аъзолари 2500 сўм нақд пул олдилар. Рўзғор тўкин-сочин.

Ака-ука ва келинлар йўлга чиқишди. Болалар ҳурсанд. Бу оддий меҳнаткаш кишилар Шаҳрихон-сойдан ўтиб Андижон томонга йўл олишди.

Машинани бошқариб бораётган укасининг ёнида ўтирган Аҳмаджон ака янги бекасам тўн кийиб, чиройли қийиқ боғлаган. Ҳа, у энди дам олса, сайр қилса арзийди. У бошлиқ 18- бригада 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» топширди.

Ленин номли колхоз 1270 гектар ерга пахта эккан эди. Ҳар гектардан 28 центнердан жами 3500 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» ал хирмонига топширилди.

— Техниканн бошқарадиган қўллар дард кўрмасин. Бизнинг асосий талпинчимиз шулар бўлди. Шулар билан даврада юзимиз ёруғ,—деди колхоз раиси Н. Абдусатторов.

Колхоз правлениесида механизаторлар гуруни бошланди. Булар орасида устоз механизатор Мамазулум Усмонов ўтирибди. Бу ерга йиғилган аллиқа яқин меҳнатда тобланган йигитлар шу Мамазулум ака-нинг шогирдлари. Мамасоли Усмонов, Абдусалим Исмоилов, Мухтор Ҳакимовларнинг ҳар бири эса 110-130 тоннадан «оқ олтин» тердилар.

Бу ажойиб меҳнатсевар кишиларнинг орасида бўлиб, ҳар бирининг жамолига, камолига боқиб мамнун бўлади, киши.

Машъал хўжалик

Наманганга келсангиз бу ернинг хушҳавосидан, гўзаллигидан, шинавандалигидан жуда ҳам хурсанд бўлиб кетасиз. Улар ерни меҳнат билан яшнатиб келаётган ҳақиқий деҳқонлардир.

Ғафур Ғулом айтганидек:

Наманган деганда ҳар қари-ёшнинг
Лабидан бол томар, тиллари ширин.

Азалдан файзи бор, бунда қуёшнинг
Юзларда қон-қаймоқ ранги яширин.

Далалар эгаси — пахтакорларнинг
Обод қишлоқлари кездим сарбасар.

Қондош-қариндошлар — ижодкорларнинг
Ҳурмати бағримда бир қўйин дафтар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳасанбой Соиббоев раислик қилаётган «Партия XXII съезди» колхозида бўлдик. Бу колхоз ҳар йили пахта далаларини кенгайтириш билан машъал хўжаликка айланмоқда. Бу йил 2300 гектар ердан 7 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Бу ҳозиланам гап эмас. 33 бригаданинг ҳаммаси планни ортиғи билан бажарди.

Колхоз ерлари Марказий Фарғона чўлларига ҳам қулоч ёзди. Колхознинг 12 пахта бригадаси Бўзда. Бўзда бу йил хосилнинг чўғи катта бўлди. Ҳасанбой ака ва колхознинг бошқа кўплнна актнвларининг бир оёғи Наманганда бўлса, бир оёғи Бўзда. Асфальт йўллар оша Наманғандан Бўзга бориб келиш «Победа» ва «ГАЗ-69» машиналарига ҳеч гап эмас. Яқинда бўлиб ўтган Пахта байрами чинакам хосил байрамига айланиб кетди. Чунки ҳамма бригада ҳам, ҳамма механизатор ҳам ўз ҳосили билан фахрланса арзийди. Биргина Бўздаги ўртоқ Абдураҳим Хушвақтов бригадаси янги ердан 25 ўринга 35 центнердан, Жўра Жалолов бригадаси 20 ўринга 28 центнердан ҳосил олдилар.

Ҳасанбой ака билан колхознинг иш якунлари, янги режалари ҳақида суҳбат қилдик. У бизга:

— Биз келгуси йил ҳосилдорликни ҳамида яна икки центнер кўпайтирамиз. 8 минг тоннага яқин пахта топширишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди.

— Кишлоғимиз кишилари меҳнати билан улуғвор, қамтаринлиги билан ёқимли, меҳмондўстлиги билан саҳий. Улар пахтадан тик тоғлар яратиб, келгуси йил режаларини ўйлаётган орденли Андижоннинг улкан хирмонига янги йилда ҳам ўз улушларини қўшиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Ю. ҲАМДАМ.

ТАРАДДУД

Инсон. Техника. Сув. Ана шу уч нарсанинг азмкор кучига қойил қоласан, киши. Чўл ҳам, дашт-саҳро ҳам, қумлик ҳам — ҳаммаси шу кучлар олдида таслим бўлаверади. Сурхондарёдаги «Меҳнат — роҳат» колхозининг миришкорлари ҳам илғари яйдоқ қумлиқдан иборат бўлган Оқтепа массивини гултепага айлантиришибди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» ундиришибди. Дарвоқе, инсон қадами етган ерда гавҳар унади.

Колхозда пахта терими тугалланай деб қолгани билан одамлар тиниб-тинчигани йўқ.

Идорадан раисни сўрадик, шудгор бошида, дейишди. Партком секретарини сўрадик, карвончакилар ҳузурида, деб жавоб беришди. Колхоз экономисти Абдурашид ака Бозоров билан дала айландик.

Кенг ва яхлит пайкалларга бир разм солинг. Кечагина бу ерларда лўппи пахталар бодроқ бўлиб очилиб ётган эди. Бугунчи? Ҳамма шудгор билан банд. Тепамиздан пастлаб учиб ўтаётган самолётлар ерга суперфосфат элайди. Ҳозиргина самолёт энгашиб ўтган пайкалларда 10-15 чоғли агрегатлар басма-басига ўрмалашиб, ғўзапоя юлиб боришяпти. Иккинчи хил машиналар улар кетидан ғўзапоялари дасталаб кетаётир. Эндигина ғўзапоядан тозаланган ерларга плугини етаклаб ҳайдов тракторлари кириб келяпти.

Шу кеча-кундузда колхоз далаларида 18 та ҳайдов трактори, ғўзапоя юлишда эса 30 та агрегат ишлаб турибди. Ер шудгор қилинишидан олдин ҳар гектарига самолётда 300 килограммдан суперфосфат сепиб кетилаётир. Гўнг сепадиган агрегатлар ёрдамида гектарига 3 тоннадан маҳаллий ўғит солинмоқда. Мутал Райимов, Мардон Бўронов, Эшон Бозоров каби тракторчилар бир кунда 7-8 гектар ерни сифатли ҳайдаётган бўлса, Раҳмат Шомуров, Омонбой Мамаражабов, Исмоил Тошев сингари механизаторларнинг ҳар бири 5-6 гектарнинг ғўзапоясини юлиб, ўз ҳамкасабаларига пайма-пай йўл очиб кетишаётир.

Ҳозиргача 2300 гектар пахта майдонининг қарийб 2000 гектари шудгор қилинди. Меҳнат — роҳатликлар эрта-индин кузги шудгорни тамомлаш арафасида туришибди.

— Экин майдонимизнинг 38-40 процентига ингичка толали пахта экамиз, — деди колхоз раиси. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Норали ака Боймуродов. — Пахтанинг бу нави жуда нозик. Иссиқни кўп хоҳлайди, ғўза кеч етилиб, ҳосил кеч пишади. Шунинг учун ҳам бу майдонда шудгорни сал кечроқ бошлаганмиз.

1965 йил «Меҳнат — роҳат» колхози учун ҳам жуда самарали йил бўлди. Пахтакорлар ҳар гектар ердан 34 центнердан ошириб «оқ олтин» олдилар. Панжи Раҳмонов, Абдукарим Ханжаров каби ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни 40-42,5 центнерга етказишди.

Дастлабки ҳисобларга қараганда, колхознинг бу йилги ялпи даромади қарийб 4 миллион сўмга етади. Пахтанинг ўзидан 3 миллион 600 минг сўм даромад олинади. Бу йилги ҳосилнинг 90 проценти биринчи сортга топширилиб, олдинги 3 йилликдаги сортлар тафовути ҳисобигина колхоз 14 минг сўм қўшимча даромад олди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларининг ошиши ҳисобига эса 80.000 сўм даромад қилинди. Йиллик ишлаб чиқариш планида бир иш кунининг баҳоси 2 сўм 48 тийиндан белгиланган эди. Бухгалтерия ходимларининг айтишига қараганда, ҳар иш кунига 3 сўм 50 тийиндан кам ҳақ тўланмайди. Юқори ҳосилли бригадаларда эса 4-5 сўмга тўғри келади. Ўз меҳнатларининг роҳатини кўраётган колхозчилар Оқтепа барханларни ўрнида гултепалар бунёд этаверадилар. Далалар бўйлаб шудгор нафасининг бунчалик кучли сезилаётганлигининг ҳам боиси шунда.

Ш. СИДДИҚОВ,
Жарқўрғон.

Пазандаларга олтин медаллар

Москвадан хушхабар олинди. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтказилган умумий овқатланиш корхоналарининг Бутуниттифоқ кўрик-конкурси якунланди. Конкурсда қатнашган коллективлардан ўн учтаси виставканинг мукофотига сазовор бўлганлиги, шу жумладан, Узбекистоннинг терма «Салом» ошхонаси иккинчи даражали диплом олганлиги илгари хабар қилинган эди. Янги хушхабарда ошхона коллективидан 14 киши халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг медаллари билан мукофотланганлиги айтилади. Тандирланган пазандалардан «Тошкент» ресторанининг директори Рустам Ўразбоев ва бош ошпази Ориф Турсунов ўртоқлар олтин медалга, кабобчи Одил Рамазонов, «Дружба» кафесининг официанткаси Багия Аҳмедзянова ўртоқлар кумуш медалга ва ошпазлар Эргаш Раҳмонбердиев ҳамда Нуриддин Султонов ўртоқлар бронза медалига сазовор бўлганлар.

Р. РАСУЛЕВ.

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Дўстлик! У ҳамма тилларда бир хилда жаранглайди, бир хилда оҳанг беради. Дўстлик! Ана шу биргина сўз заминида олам-олам мазмун борлигини Тошкент политехника институтининг студентлари яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар дўстлик сўзини тинчлик сўзи билан баравар эъзозлашади. Институтда йигирмадан ортиқ миллат вакиллари бўлган бир неча минг студент таълим олмоқда. Бу ерда фақат Совет Иттифоқидан эмас, балки қардош чет мамлакатлардан келган илмга ташна ёшлар ҳам бор.

«Оқ олтин» ўлкаси бўлган республикамизнинг, унинг кўркам пойтахти Тошкентнинг қалби кенг, унинг қучоғига тинчликни, дўстликни қадрловчи ҳамма сиғади. Институтнинг кенг аудиторияларида, шинам лабораторияларида, жуда кўп китоб фондига эга кутубхонасида, кўркам ётоқхонасида—хуллас ҳамма-ҳамма ерда билим чашмасидан баббаравар баҳраманд бўлаётган турли миллат ёшларини кўриб, ана шундай фикрга келасан, киши. Бу қадрдон даргоҳнинг ҳамма факультетларида ҳам чет элдан келган студентлар бор. Ироқдан келган Жалол Жавод ал-Ҳошимий келгуси йилда ўз юртига химик-инженер бўлиб қайтади. Ёки Гана Республикасидан келган Аджиман Ману Чарльзни айтмайсизми! Ҳадемай йирик электростанциялар унинг измида бўлади. Индонез ўғлони Септеналь эса автомобиль транспорти инженери деган диплом билан она юртига қайтади. Африкалик Муса Ҳасан Муҳаммади билан ўзбек йигити Арслон Чориевнинг дўстлигига ҳамма ҳавас қилади. Улар механика факультетининг III курсида таълим олишяпти. Дарсдан бўш вақтларида Арслон дўстига ўз юрти, унинг олижаноб кишилари ҳақида завқ-шавқ билан гапириб берса, Муса Ҳасан ҳам африкаликларнинг озодликка интилаётганликлари ҳақида ҳаяжонга тўлиб гапиради.

Ўтган йили институтнинг қурилиш факультетига ўқишга кирган индонезиялик Русман Хартоно рус тилини мутлақо билмас эди. Рус йигити Владимир Логинов унга биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўзди. Ҳозир бу икки дўст бир группада ўқишади, ётоқхонада ҳам бир хонада туришади.

— Владимирнинг менга қилган яхшилигини сира унутмайман, деди Русман биз билан суҳбатда. — У менга кўп нарсаларни ўргатди, ҳаммамизнинг севикли доҳиймиз Владимир Ильич Ленин тилида бемалол гапиришни мен ундан ўргандим.

Институтда турли темаларга бағишланган кечалар тез-тез ўтказилиб турилади. Лекин яқинда ўтказилган «Дўстлик кечаси» тамоман ўзгача эди. Кечани чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти ҳамда Тошкент политехника институти биргаликда ташкил этган бўлиб, у Мўғулистон Халқ Республикасининг шонли 41 йиллигига бағишланган эди. Кечага пойтахтимизнинг олий ўқув юртлари, техникумларида таълим олаётган барча чет эллик студентлар ҳам таклиф қилинди.

Ҳаммаёқда шодлик ҳукмрон. Институт бадиий ҳаваскорлари ижро этаётган қўшиқлар, дилларни қитиқловчи музика садолари севинчингизга севинч қўшади. Фойеда викторина ва танца

— Ёшлигимдан табиатни жуда севаман, — деди Мўғулистондан келиб институтда таълим олаётган Клара Багдани. — Она-юртимнинг тоғу-тошларида кезишни, у ерларда яшириниб ётган беҳисоб бойликларни топиб, фойдаланишни орзу қиламан. Мана орзумга етишга оз вақт қолди. Бу йил II курсда ўқияпман, гидрогеолог-инженер бўлиш ниятидаман. Яқинда практика даврида Бурчмуллада бўлдик. Бу ерлар менга жуда ёқади. Айниқса меҳмондўст, очиқ кўнгил ўзбек халқига бўлган ҳурматим бир умр ёдимда сақланади.

Кечани институтнинг кафедра мудири ўртоқ Т. Абдурашидов очди. Мўғулистон Халқ Республикасининг босиб ўтган тарихий йўли ҳақида КПСС тарихи ўқитувчиси ўртоқ С. А. Муҳамедшин гапирди. Ўзбекистонда билим олаётган мўғулистонлик студентларнинг раҳбари Сампилноров ҳам сўзга чиқди. У чет эллик, шу жумладан, мўғулистонлик ёшларга ҳам билим олишда яқиндан ёрдам бераётган КПСС ва Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик билдирди. Мўғулистонлик студентларни рус қизи Лидия Алимова, болгар аспиранти Джупанов Венцеслав Александрович, кубалик, афғонистонлик, вьетнамлик, ҳиндистонлик, ганалик, гвинеялик, конголик ва жуда кўп студентлар табриклашди.

К. ШУКУРОВА.



Суратда: Мўғулистон Халқ Республикасининг 41 йиллигига бағишлаб Тошкент политехника институтида ўтказилган «Дўстлик кеча»си қатнашчиларидан бир группаси.

А. Тўраев фотоси.

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР СЕКЦИЯСИНИНГ ОЛМАОТАДАГИ САЙЁР СЕССИЯСИ

ОЛМАОТА, 3 декабрь. (ТАСС). СССР Фанлар Академияси ижтимоий фанлар секциясининг Олмаотадаги сайёр сессияси уч кун давом этди. Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон Фанлар академияларининг ижтимоий фанлар бўлимлари билан биргаликда ўтказилган бу сессия Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда ижтимоий фанларни ривожлантиришнинг актуал проблемаларига бағишланди.

Сессия ишида СССР Фанлар Академиясининг вице-президенти академик П. Н. Федосеев, академиклардан Е. М. Жуков, Ф. В. Константинов, М. Б. Митин, И. И. Минц, Москва, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистоннинг бошқа таниқли олимлари, Олмаота олий ўқув юртларидаги ижтимоий фан кафедраларининг мудирлари ва ўқитувчилари, олий ва ўрта махсус таълим, маориф, маданият министрликларининг ходимлари, ижодий ташкилотларнинг вакиллари, партия ходимлари қатнашдилар.

Сессия ижтимоий фанларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида академик П. Н. Федосеевнинг докладини, шунингдек Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Б. Баишев, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг вице-президенти Н. М. Мўминов, Тожикистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг академик-секретари З. Ш. Ражабов, Туркманистон ССР Фанлар Академияси ижтимоий фанлар бўлимининг академик-секретари П. А. Азимов ва Қирғизистон ССР Фанлар Академиясининг вице-президенти Б. Ж. Жамғирчиновларнинг қўшимча докладларини тинглади.

Сессияда қайд қилиб ўтилдики, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги академияларнинг гуманитар фанлар билан шуғулланувчи муассасалари ва олий ўқув юртлари табиий бойликларни ўрганиш ва амалий жиҳатдан ўзлаштиришда, ишлаб чиқарувчи кучларни, айрим тармоқларни ва корхоналарни ривожлантириш ҳамда жойлаштиришда сўнгги йилларда маълум ютуқларга эришдилар. Капитал маблағларнинг иқтисодий самараларини ошириш ҳамда саноатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалаларига таллуқли тадқиқотлар кенг авж олдирилмоқда.

Республика академияларида ишлаётган бир қанча таниқли олимлар кўп томли «Энг қадим замонлардан бизнинг давримизгача СССР тарихи», беш томли «СССРда философия тарихи», уч томли «СССРда давлат ва ҳуқуқ тарихи», етти томли «Совет адабиёти тарихи»ни, «Жаҳон халқлари» номли асарнинг кўп томли сериясини, «СССР халқлари адабий тилларининг ривожланиш қонуниятлари», «СССР халқларининг тиллари», «СССРда миллий давлат тузилиши», «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда совет ҳокимиятининг ғалабаси», «Бухоро ва Хоразм халқ республикаларининг тарихи» сингари умумлаштирувчи асарларни ва бошқа асарларни яратишда актив қатнашмоқдалар.

Шу билан бирга, сессия қатнашчилари Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон фанлар академияларининг гуманитар фанлар билан шуғулланувчи муассасалари ишида жиддий камчиликлар борлигини кўрсатиб ўтдилар, кўпгина тадқиқотларнинг назарий савияси коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичидаги вазифаларига ҳали ҳам мувофиқ эмаслигини, социалистик ва коммунистик қурилишнинг тарихий жараёнларини анализ қилишга етарлича эътибор қаратилмаётганлигини айтдилар.

Сиёсий иқтисоднинг методик проблемалари, планлаштириш, нарх белгилашнинг актуал масалалари, асосий фондлар, капитал қўйилмалар ва янги техниканинг иқтисодий самаралилиги проблемалари етарли даражада тадқиқ қилинмаяпти.

Турли ихтисосларнинг намояндалари, Ўрта Осиёдаги барча республикалар ва Қозоғистон олимлари биргаликда иштирок этиб, актуал назарий проблемаларни комплекс тадқиқ қилишлари республикаларнинг илмий муассасаларида ҳамон ривожлантирилмаганлиги ғ и н и докладчи ҳам, қўшимча докладчилар ҳам ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар ҳам таъкидлаб ўтдилар. Табиётнинг фалсафий масалаларини тадқиқ этиш янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Қўшни шарқ мамлакатлари халқларининг ҳозирги идеологик ҳаёти масалаларига тааллуқли тадқиқотлар секин ривожлантирилмоқда. Шарқшунослик масалаларига етарли даражада ўрганилаётгани йўқ.

Илмий тадқиқотларни планлаштиришдаги камчиликларни йўқотиш, майда темачиликка ва параллелчиликка барҳам бериш, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон учун умумий бўлган ишларни республикалар ўртасида координациялаштиришни такомиллаштириш учун ҳали кўп ишлар қилмоқ керак.

Ижтимоий фанлар бўйича илмий совет тузилсин, деган истак баён қилинди. Коллектив асарлар яратиш, ишчи ижодий коллективлар тузиш — координациялаштиришнинг жонли ва самарали формаси эканлиги қайд қилиб ўтилди. Янги институтлар ташкил қилиш масаласи қўйилди.

Кадрлар тайёрлаш масалалари сессия ишида катта ўрин эгаллади. Иқтисодий география, иқтисодий геологияни, билимнинг табиёт билан жамиятшунослик ўртасидаги чегарада турган тармоқларини ривожлантириш муҳимлиги, ижтимоий фанларни билимнинг ана шу чегарадош соҳалари билан кооперациялаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари асосида ва КПСС XXIII съездида таъкидланган вазифаларни муносабати билан тадқиқотларни кучайтириш юзасидан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияларининг олимлари белгилаган тадбирларни сессия маъқуллади. Олимларнинг асосий эътибори Ўрта Осиё ва Қозоғистонда совет ҳокимияти ғалабасининг, республикаларда социалистик ва коммунистик қурилишнинг тарихий тажрибасини умумлаштиришга ва шу тажрибанинг халқаро аҳамиятини ёритиб беришга қаратилмоғи керак.

Сессия қатнашчилари Ўрта Осиё ва Қозоғистонда совет шарқшунослиги, дунгашунослиги проблемалари, фалсафий проблемалар табиёт проблемаларига, ёшларнинг меҳнати ва тарбияси проблемаларига, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар ролини ошириш масалаларига, СССРдаги адабий гуржий тилларининг тарихига ва бошқа масалаларга бағишлаб яқин йилларда конференция ва симпозиумлар чақиришни таклиф қилдилар.

Сессия тадқиқотларнинг натижалари бўйича илмий докладлар, тавсиялар, методик қўлланмалар тайёрлаш илмий муассасаларининг энг муҳим вазифасидир, деган фикрга келди. Экономика, социология, миллий давлат тузуми, коммунистик тарбия, шарқ мамлакатларининг социал-сиёсий тараққиёти проблемаларига тааллуқли тадқиқотларни биринчи галда ривожлантириш зарурлигини ҳисобга олиб, ана шу тадқиқотларни Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Фанлар Академияларида ривожлантириш масаласини уч ой муддат ичида кўриб чиқиш СССР Фанлар Академиясининг ижтимоий фанлар бўлимларига топширилди.

Академик П. Н. Федосеев сессияни ёпа туриб, унинг ишни муваффақиятли ва самарали ўтганлигини айтди. П. Н. Федосеев меҳмондўстликлари, ғамхўрликлари ва ёрдамлари учун республика раҳбарларига, Қозоғистон ССР Фанлар Академиясининг президиумига миннатдорчилик билдирди.

ВЬЕТНАМДАГИ АГРЕССИЯ ТЎХТАТИЛСИН!

Вьетнам халқи билан бирдамлик митинглари

Тошкент

Экскаватор заводининг корпусларидан бирида одамлар гавжум. Корхонанинг бутун коллективи Вьетнам тупроғини қонга белаётган Америка Қўшма Штатлари империалистларининг жиноий ҳаракатлари тўғрисида ўз сўзларини айтиш учун 4 декабрда бу ерга тўпланди.

Митинг қатнашчилари биринчи механика цехининг ишчиси Н. Терновенконинг нутқини эътибор билан тинглайдилар.

Ҳали яқиндагина Совет Армияси сафида хизмат қилиб келган ремонт-механика цехининг токари Н. Володин сўз олади.

— Америкалик урушқоқлардан албатта қасос олинади, улар буни тушуниб олишлари керак,— дейди у.—Халқларнинг агрессорни жиловлаб қўйиш учун етарли даражада кучлари бор. Биз, Совет кишилари Вьетнамдаги қардошларимиз билан бирдам эканлигимизни зўр қатъият билан изҳор қиламиз. Биз, агрессорларга ҳали фурсат бор экан, Вьетнам тупроғидан жўнаб қолингиз, деб қатъий айтамиз.

Митинг қатнашчилари яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда Америка ҳарбийларининг жиноий ҳаракатларига чек қўйилсин, Вьетнам тупроғида тинчлик тиклансин, деб талаб қилдилар.

Вьетнам халқининг адолатли курашини қўллаб-қувватлаш юзасидан «Ташкенткабель» заводида, 153-трест бинокорлар коллективларида, Пластмасса буюмлари заводида, Тошкентнинг бошқа корхона ва муассасаларида ҳам кўп кишининг иштироки билан митинглар бўлиб ўтди.

Гулистон

«Вьетнамдан қўлингни тортI» Ана шу қатъий талаб бугун Гулистон ремонт-механика заводи ишчилари ва хизматчиларининг митингида жаранглаб эшитилди.

— Америка ҳарбийлари, — деди слесарь Николай Вальвяков,—ўз мамлакатидан бир неча минг километр нарида уруш бошлаб юбордилар. Соф виждонли кишиларнинг бирортаси ҳам Америка ҳарбийлари қилаётган ёвузликларга асло бефарқ қарай олмайди. Америкалик урушқоқлар тарих сабоқларини, гитлерчи босқинчиларнинг қисматини эсдан чиқармасликлари керак. Уларнинг авантюраси муқаррар барбод этилади.

Завод касаба союз комитетининг раиси Н. Горобченко, слесарь А. Соловьев ва бошқа ишчилар Вьетнамда Америка агрессияси тўхтатилсин, деб талаб қилдилар.

Термиз

Сурхондарё областининг корхоналари, қурилишлари, колхоз ва совхозларида курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамлик митинглари ўтказилмоқда.

Термиз пахта тозалаш заводи коллективининг митингида кекса ишчи токарь В. Горбель, слесарь А. Беляков ва бошқа ишчилар Совет ҳукуматининг Вьетнам масаласида тутган позициясини яқдиллик билан маъқуллаб гапирдилар, америкаликларнинг мустамлакачиларнинг Ҳиндо-Хитойдаги ваҳшиёна ҳаракатларидан дарғазаб бўлганликларини айтдилар.

Фарғона

Область меҳнаткашлари Вьетнам ватанпарварлари билан астойдил бирдам эканликларини билдиришиб, Америка ҳарбийларига лаънат ўқимоқдалар.

Фарғона педагогика билим юрти ўқувчилари ва ўқитувчиларининг митингида сўзга чиққан студент З. Омонова бундай деди:

— Инсоният «Маданий мамлакат»нинг солдат кийимини кийган жаллодларини — болалар ва хотин-қизларнинг қотилларини ҳеч қачон кечирмайди. Америкалик жаноблар! Олов билан ўйнашмангиз! Сизлар муқаррар зарбага учрайсиз!

Митинг қатнашчилари яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда Америка қўшинлари Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетилсин, деб талаб қилдилар.

Киров мойлик фабрикаси, Марғилон шойи комбинати, Қўқон коммунал хўжалик техникуми коллективларида ўтказилган митингларда ҳам шундай талаблар илгари сурилди. (ЎзТАГ).

АБАДИЙ БИРГАМИЗ!

— Бизлар Совет Ўзбекистонининг ажойиб меҳнат муваффақиятларини кўриб чин қалбдан хурсанд бўлмоқдамиз. Азиз ўзбек қардошларимиз, сизлар билан дўст бўлганлигимиздан фахрланамиз!

Бу сўзларни чехословак — совет дўстлиги Союзи Марказий Комитетининг бош секретари Ян Немец айтди. Ян Немец бошчилигидаги ана шу союз делегацияси республика бўйлаб сафар қилмоқда. Чехословакиялик дўстлар Ўзбекистон пойтахти ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлдилар.

3 декабрда қардош мамлакат вакилларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. М. Мусахонов қабул қилди.

Дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида СССР билан Чехословакия ўртасида шартнома имзоланганлигининг 22 йиллигига бағишланиб Тошкентда ўтказилган умумшаҳар кечаси совет ва чехословак халқлари дўстлиги ва бирдамлигининг ёрқин намойишига айланди. Кечада чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти президиумининг аъзоси, Тошкент Давлат университетининг ректори О. Содиқов доклад қилди.

Кечада тўпланганлар томонидан қизғин кутиб олинган ўртоқ Я. Немец катта нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

УЧРАШУВ КЕЧИКТИРИЛДИ

ВАШИНГТОН, 3 декабрь. (ТАСС). Оқ уйнинг матбуот маслаҳатчи ёрдамчиси Ж. Лейтин АҚШ президенти Л. Жонсоннинг давлат секретари Д. Раск ва мудофаа министри Р. Макнамара билан 2 ёки 3 декабрга мўлжалланган учрашуви бир неча кунга кечиктирилганлигини эълон қилди.

Хараддаги конференцияда

ҚОҲИРА, 3 декабрь. (ТАСС). Яман проблемасини тинч бартараф қилишга бағишланиб, Харадда (Шимолий Яман) ўтказилаётган конференция ўз ишини давом эттирмоқда. Олиб борилган музокаралар натижасида республикачилар ва монархистлар конференция олдида турган масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилаб берадиган кичик комитет тузиш тўғрисида битимга келишди. Бу кичик комитет ўткинчи даврда Ямандаги идора қилиш формаси қандай бўлиши керак деган масалани ҳам кўриб чиқади.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ БИРИНЧИ КОМИТЕТИДА

НЬЮ-ЙОРК, 3 декабрь (ТАСС). Кеча биринчи комитетда (бу комитет сиёсий масалалар ва хавфсизлик проблемалари билан шуғулланади) қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи 18лар Комитетининг ёпасига ва батамом қуролсизланиш масаласига доир доклади юзасидан ўтказилаётган мунозара тугади. Мунозарада сўзга чиққан нотиқларнинг кўпчилиги комитетнинг Женевадаги маслисларида шу масала юзасидан олиб борилган ва узоқ давом қилган музокараларнинг самара бермаганлигини айтиб ўтдилар. Бир қанча делегатлар АҚШ ва унинг иттифоқчилари салбий позицияда турганлигини, улар қуролсизланишнинг конкрет проблемаларини амалий ҳал этишга тўсқинлик қилаётганлигини қайд этдилар.

Комитетнинг бугун қуйдузги мажлисида бўлган мунозарада АҚШ, Польша, Кипр, Эрон, Туркия, Чехословакия вакиллари сўзга чиқди.

АҚШ вакили У. Фостер қуролсизланиш соҳасида олдинга силжишга АҚШ ҳукуматининг позицияси асосий тўсиқ бўлиб турибди, деб АҚШ ҳукумати устига қўйилган айбни рад этишга уринди.

Польша вакили Юзеф Гольдблат Ғарб мамлакатлари, айниқса АҚШ қуролсизланишга интилаётирмиз, деб гап сотиш билан бирга қуролланиш пойгаси суръатларини муттасил тезлаштираётганликлари каби ҳайрон қоларли ишга комитетнинг эътиборини жалб қилди.

З. Россидес (Кипр) комитетга Кипр делегацияси киритган резолюция лойиҳасини асослаб гапирди. Бу лойиҳада 18лар комитетига «самарали ҳалқаро контрол остида ёпасига ва батамом қуролсизланиш масаласига доир, шунингдек қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи 18 давлат комитетининг докладларида кўрсатиб ўтилган қўшимча чораларга доир битимга келишда муҳим ютуқларга эришмоқ учун бундан бўён ҳам куч-ғайрат сарфлаши лозимлиги» таклиф қилинади.

Биринчи комитет бир қанча делегацияларнинг овоз бериш сабаблари тўғрисида айтган гапларини эшитиб, ёпасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида 18 лар комитетининг докладини юзасидан Кипр делегацияси тақдим этган резолюция лойиҳасини бир оз ўзгартириб қабул қилди. Бу лойиҳа 78 мамлакатнинг овози билан қабул қилинди, беш мамлакат (Жазоир, Франция, Гвинея, Мали ва Танзания) вакиллари бетараф қолдилар.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМНИ ОЗОД ҚИЛИШ МИЛЛИЙ ФРОНТИНИНГ АХБОРОТИ

ХАНОЙ, 3 декабрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронти марказий комитетининг президиуми фронт ташкил топган кунга 20 декабрда 5 йил тўлиши муносабати билан ахборот эълон қилди.

Вьетнам информация агентлиги «Озодлик» агентлигига асосланиб тарқатган бу ахборотда шундай дейилади: бу йил фронт ташкил топган куннинг 5 йиллиги бутун халқ ва Жанубий Вьетнам Озодлик қуролли кучлари ҳамма соҳаларда — сиёсий, ҳарбий ва дипломатик соҳаларда ғоят катта ютуқларни қўлга киритган бир пайтда нишонланмоқда.

Озодлик армияси билан халқ сўнгги вақтларда Плейме, Дананг, Чулай, Вьенхоа, Ядранг ва бошқа пунктлар ёнидаги жангларда салмоқли ғалабаларга эришганликлари ахборотда кўрсатиб ўтилади. Жанубий Вьетнамдаги аҳвол шуни кўрсатиб турибдики, дейилади ахборотда, АҚШ Жанубий Вьетнамга қанча кўп солдат юборса, шунча кўп мағлубиятга учрай беради.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

ҲИНД АРТИСТЛАРИ ТОШКЕНТДА



Пойтахтимизда Ҳиндистоннинг Манипур штатидан ҳинд санъатининг довруғини оламга таратган, ўзининг жозибадор рақслари билан томошабинларни мафтун этган санъаткорлар меҳмон бўлиб келишди.

Бу кичик группанинг аъзолари ижро этаётган рақслар оддийлиги, ўзининг миллий традицияларини акс эттирувчанлиги ва нозиклиги билан ажралиб туради.

Ҳинд санъатининг моҳир устаси Сингхайит бу ижодий коллективга раҳбарлик қилади.

Суратда: бир группа ҳинд санъаткорлари (ўртада Сингхайит).

А. Палехов фотоси.

РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР • РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

5 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар. 6.15 — Концерт. 6.45 — Гимнастика. 7.35 — Эшиттиришлар программаси. 7.45 — Ота-оналар учун. 8.25 — Концерт. 9.15 — «Совет Ўзбекистони». 9.23 — «Правда Востока». 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон» газеталарининг обзори. 9.30 — Байрам увертюралари. 10.30 — Адабий-музикали эшиттириш. 11.10 — Нафосат даврасида. 12.15 — Эрталабки салом (Москва). 13.00 — Чорвадорлар учун концерт. 13.30 — Музикали эшиттириш. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. 15.20 — «Дугоналар» радиожурнали. 16.00 — «Майсаранинг иши» спектаклининг монтажи. 18.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 18.40— Қозоқ куйлари. 19.20 — Концерт. 20.00 — Кулги кечаси. 21.20 — Пахтакорлар учун байрам концерти. 22.00 — Дунё харитаси олдида. 22.10 — Музикали эшиттириш. 22.50 — Эртаги кун эшиттиришлари. 23.10 — Катта байрам концерти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 — **Бахтимизни куйлаймиз** (болалар учун).

12.40 — **Революция номи билан** (Ўзбек тилида бадиий фильм).

14.10 — **Қўғирчоқ фильм** (болалар учун). 15.00 — Концерт (СССР халқлари куйлари).

Ўзбек тилида: 17.00 — **Саҳнада биринчи марта** (болалар учун мультфильм).

17.15 — **Телевизион янгиликлар** (Ўзбек, рус тилларида).

Рус тилида: 17.35 — **Доимий дўстимиз** (ҳужжатли фильм). 18.20 — **Реклама ва эълонлар.**

Ўзбек тилида: 18.25 — **Совет демократияси байроғи остида.** 15.40 — **Совет Шарқи куйлари.** 19.10 — **Ёшлигимизни гуллатган қонун.** 20.05 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.10 — **«Новости дня»** киножурнали ва **Бўлажак кўчада** номли бадиий фильм. 22.00 — **Голубой огонёк.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/XII да кундуз ва кечқурун **Концерт.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—5/XII да кундуз **Биринчи муҳаббат,** кечқурун **Ўғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5 ва 6/XII да кечқурун **Қари қиз,** 5/XII да кундуз **Ўғил уйлантириш.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Юность» цирк коллективи, циячилар группаси ва совет цирки усталарининг гастроли.**

КИНО

Ишонгим келади — «МИР», НАВОИЙ номли, «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда, кундуз 12 ва кеч 10 да)

Ўтда тобланганлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Дайди (1 ва 2-серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Ойдин саҳифа — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да), «ЧАЙКА» (кундуз 5 яримда).

Балли, ҳамшира (кундуз ва кеч. қурун), **Варяг крейсери** (эрталаб соат 10 да) — СОВИР РАҲИМОВ номли.

Қоидасиз ўйин — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим, 5 ва кеч 8-10 минутда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ 284. ИНДЕКС 64543. Р. 01397